БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№173 (404)

31 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Эртага умумий та'лим мактабларида, махсус ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиш бошланади.

Совет ёшлари, билимларни қунт ва сабот блан эгаллангиз!

Янги ўқув йилида та'лим-тарбия ишлари сифатини янада яхшилайлик!

Янги ўқув йилида янги муваффақиятлар сари

Эртага умумий та'лим мактабларида, махсус ўрта ва олий ўқув юртларида дарс машғулотлари бошланади. Миллион-миллион совет ёшлари илмга меҳр ва муҳаббат ҳислари блан тўлиб-тошган ҳолда ўз қадрдон мактаблари, институт ва университетларнинг мухташам бинолари қучоғига янги куч, янги ғайрат блан кириб келадилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғоят катта ғамхўрликлари, халқимизнинг чексиз меҳрибонлиги блан қуршаб олинган совет мактаби, ўрта ва олий ўқув юртлари ўз ўқучилари ва студентларини янги ўқув йилига ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олмоқдалар. Ма'лумки, бизнинг мамлакатимизда халқ маорифи ва олий та'лим кенг кўламда ривожланмоқда, йил сайин янги-янги мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари учун ҳашаматли кўркам бинолар қурилмоқда, уларда ўқучилар сони тобора кўпаймоқда. Партия XIX с'ездининг директиваларига мувофиқ шу бешйилликда республикаларнинг пойтахтларида, бевосита республика қарамоғида бўлган шаҳарларда, область, ўлка марказлари ва энг йирик саноат марказларида еттийиллик та'лимдан умумий ўрта та'лимга ўтилмоқда. Келгуси бешйилликда эса бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларида ўнйиллик та'лим тўла амалга оширилади. Умумий та'лим мактабларининг аҳамиятини янада ошириш ва ўрта мактабни тамомлаб чиқучи ўқучиларнинг касбларни эркин суратда танлаши учун керакли шароит яратиш мақсадида ўрта мактабларнинг ўқув процессига политехник та'лим муваффақиятли жорий қилинмоқда. Халқ маорифи ва олий та'лимнинг бундай кенг ривожланиши капиталистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Зарур бўлган барча моддий шароитлар блан та'минланган, педагогик мастерлигини эгаллаган кўпсонли ўқитучилар, илмий ходимлар ва профессорларга эга бўлган бизнинг мактабларимиз, махсус ўрта ва олий ўқув юртларимиз ёш авлодни келажакнинг онгли ва актив қуручилари — билимдон, меҳнатсевар кишилар қилиб етиштирмоқда ҳамда уларни коммунистик ахлоқнинг барча юксак сифатларига эга қилиб тарбияламоқда.

Ҳозирги вақтда биргина областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида 850 мактаб бор. Бу мактабларда янги ўқув йилида 314 минг ўғил-қиз та'лим олади. Республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрида 15 олий ўқув юрти, ўнлаб техникумлар ишлаб турипти. Уларда ўқучилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Ўтган ўқув йилида кўпгина мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларининг педагогик коллективлари ҳамда партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ўқув-тарбия ишларини яхши уюштириб ва дарс беришнинг ғоявий-назарий савиясини юқори даражага кўтариб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Тажриба та'лим-тарбия ишлари йил бошидан тўғри уюштирилган мактабларда яхши натижаларга эришиш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

Областимиз халқ маорифи органлари, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларининг коллективлари олдида янги ўқув йилида ҳам ёш авлодга та'лим бериш сифатини янада яхшилаш, уларни ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида, ўз она-Ватанига, коммунизм улуғ ишига чексиз садоқатли кишилар қилиб тарбиялаш каби мураккаб ва мас'улиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни виждонан ва ҳаққоний бажариш даставвал ўқитучиларимизнинг сиёсий жиҳатдан етуклиги, юксак маданиятлилиги, ғоявий-илмий савиясининг юқори даражада бўлиши ва ўз ишларининг натижалари учун ҳамма вақт жавобгарликни ҳис этишларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳарбир ўқитучи ўз ғоявий-сиёсий савиясини ошириш, педагогик маҳоратини такомиллаштириш устида қунт блан ишлаши, дарсларга пухта тайёргарлик блан кириб, уни методик жиҳатдан тўғри ва мазмунли ўтказиши керак. Ҳарбир янги материални аниқ ва изчил баён қилиш ва уни ҳозирги замоннинг энг муҳим масалалари блан боғлаб олиб борабилиш, шунингдек ўқучиларга қаттиқ талабчанлик блан ёндошиш ва программа материалларининг пухта ва чуқур ўзлаштирилишига эришиш лозим.

Ўтган ўқув йилида ўғил ва қиз болаларни биргаликда ўқитишнинг жорий қилиниши ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда яхши натижалар берди, мактабларда ўқучиларнинг ягона, ахил ва уюшқоқ коллективлари вужудга келтирилди. Лекин шу нарсани э'тироф қилиш керакки, бу соҳадаги тарбиявий ишлар мактабларимизнинг ҳаммасида ҳам юксак даражада олиб борилди, деб бўлмайди. Ўқучиларни онгли интизомга риоя қиладиган, ўқимишли, меҳнат севадиган, виждонли ва ростгўй қилиб тарбиялаш — мактаб педагогик коллективлари, пионер, комсомол ташкилотларининг, шунингдек оиланинг бевосита бурчидир. Шуни унутмаслик керакки, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотлари мактабларга - актив ёрдам берсинлар, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш учун жавобгар эканликларини оширсинлар.

Мактаб педагоглар коллективи олида ёш авлодни маданий, ўқимишли, жисмоний жиҳатдан соғлом, довюракли, тетик ва қувноқ қилиб тарбиялаш каби вазифа турибди. Бу вазифа — болаларни жисмоний тарбиялаш масаласига алоҳида э'тибор бериш мажбуриятини юклайди. Лекин кўп мактабларда физкультура дарсларига ва болаларни жисмоний жиҳатдан тарбиялашнинг бошқа шаклларига э'тибор берилмайди. Бундай ҳолларни узил-кесил бартараф қилиш лозим.

Мактабларга конкрет ва оператив раҳбарлик қилиб туриш, вақт-вақти блан малакали инспекциялар ўтказиш, ўқитучиларга системали равишда методик ёрдам кўрсатиш — ўқув-тарбия ишлари сифатини яхшилашнинг муҳим шартидир. Шунга кўра, район, шаҳар ва область халқ маорифи органлари мактабларга формал-бюрократларча, қоғоз орқали раҳбарлик қилишдан мутлақо воз кечишлари, жойлардаги аҳволдан яхши хабардор бўлиб туришлари ва мактабларга яқиндан ёрдам беришлари керак.

Бизнинг олий ўқув юртларимиз КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажаришга муҳим ҳисса қўшиб, республикамиз, шу жумладан областимиз халқ хўжалигининг турли соҳалари учун кўплаб ёш мутахассис кадрлар етиштириб бермоқдалар. Олий ўқув юртларининг дирекциялари, ўқитучи-профессорлар коллективлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари бу соҳада эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлашлари, ижтимоий фанларни ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясини юқори даражага кўтаришлари, студентларни марксизм-ленинизм асослари блан чуқур ва мустаҳкам қуроллантиришлари, ижтимоий фанларни ўқитишда формализм ва қироатхонликка мутлақо йўл қўймасликлари, шу блан бир қаторда студентлар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб беришлари керак.

Халқ маорифи масалалари блан кўпроқ шуғулланиш, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг жонажон иши ҳамда энг муҳим вазифасидир. Улар мактаблар учун раҳбар кадрлар танлаш ва тарбиялаш ишига жиддий э'тибор беришлари, умумий мажбурий та'лимнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатишлари, мактабларнинг энг зарур талаб ва эҳтиёжларини қондириб, уларга кун сайин конкрет ва оператив раҳбарлик қилиб туришлари лозим.

Эртага биринчи сентябрь — янги ўқув йили бошланадиган кун. Мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида дарс машғулотларини пухта тайёргарлик ва зўр ушқоқлик блан бошлаб юборайлик, янги ўқув йилида янги муваффақиятларга эришайлик!

КПСС XX С'ЕЗДИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЙЛИК

Саноат ва транспорт илғорлари умумшаҳар йиғилиши қатнашчиларининг Тошкент саноати ва транспорти ишчиларига, инженер-техник ходимларига ва хизматчиларига

М У Р О Ж А А Т И

Қадрли ўртоқлар!

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездини чақириш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ блан кутиб олдилар. Миллионлаб ишчилар ва деҳқонлар, совет интеллигенцияси КПСС XX с'ездини меҳнат соҳасида янги ғалабалар блан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Партия XX с'ездига ўз коллективининг шонли муваффақиятлари тўғрисида саноатни кескин суратда юксалтириш, техника прогресси ва ишлабчиқаришни ташкил этишни яхшилаш учун, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми тарихий қарорларини муваффақият блан амалга ошириш учун қилаётган фидокорона ижодий меҳнати ҳақида рапорт бериш — буюк шарафдир.

Биз, саноат ва транспорт илғорлари умумшаҳар йиғилишининг қатнашчилари, республикамиз пойтахти корхоналарининг ишига якун ясадик. Ялпи маҳсулот ишлабчиқариш 7 ойлик давлат плани 104,1 процент қилиб бажарилди. Маҳсулот ишлабчиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 7,2 процент ортди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган ярим йиллик топшириқ 4 процент ошириб бажарилди. Кўпчилик завод ва фабрикаларнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Янги машиналар, материал ва кенг истеъмол товарлари ишлабчиқариш ўзлаштирилди.

Саноат ва транспортнинг тобора юксалишига ишлабчиқариш илғорлари ва новаторлар жуда катта ҳисса қўшмоқдалар. Социалистик мусобақа жараёнида янги иш методлари яратилмоқда, ишлабчиқаришни ташкил этиш такомиллаштирилмоқда.

Биз, экскаватор заводининг пармаловчиси Калмиков, «Ташсельмаш» заводининг токари Горбачев, Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқучиси Пўлатова, Тошкент тепловоз депосининг машинисти Султонов ва бошқа кўпгина ўртоқларнинг номларини фахр блан тилга оламиз. Бу ўртоқлар меҳнатда қаҳрамонлик ва ижодий ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», экскаватор, МПС машинасозлик заводларида, биринчи пойафзал фабрикасида ва бошқа корхоналарда кўпгина қимматли янгликлар жорий қилинмоқда.

Броқ, Коммунистик партия биз, совет кишиларини, эришилган ютуқлар блан хотиржам бўлиб қолмасликка, бу ютуқлардан мағрурланиб кетмасликка, ишдаги камчилик ва хатоликларни дадиллик блан очиб ташлашга, фойдаланилмай ётган резервларни ишга солишга ўргатади.

Бизнинг ишимизда ҳали жиддий камчиликлар бор. Айрим корхоналар давлат планини бажараолмаётирлар. Кўпгина завод-фабрикаларда, қурилишларда ва транспорт корхоналарида янги техника ва илғор технология суст жорий қилинмоқда, ускуналардан ёмон фойдаланилмоқда, фан-техника янгиликлари ва илғорлар тажрибаси етарли даражада оммалаштирилмаётир.

Вазифа — ишлабчиқаришнинг ҳамма резервларини ишга солишдан, ҳамма техника-иқтисодий кўрсаттичларнинг ўсишини та'минлашдан, техникани янада тараққий этдиришдан иборатдир. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари биздан ана шуни талаб қилади.

Шаҳар корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини бажариш учун курашиб, мавжуд ишлабчиқариш майдони ва ускуналардан янада яхшироқ фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар, янги поток линияларни ишга солмоқдалар, иш процессларини механизациялаштирмоқдалар ва автоматлаштирмоқдалар, прогрессив технология ва илғор иш методларини ишлабчиқаришга жорий қилмоқдалар.

Шаҳар корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб, янгидан-янги резервларни аниқлаб, ўз зиммаларига ошириладиган мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. «Ташсельмаш» заводи коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 102 процент қилиб бажариш, «Узбексельмаш» заводи коллективи камида 3 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб бериш, меҳнат унумдорлигини планда кўрсатилганидан 3,5 процент ошириш, маҳсулот таннархини планда белгиланганидан камайтириш ҳисобига 5,5 миллион сўмлик жамғарма тўплаш, рационализаторлик таклифларини жорий қилиш орқали 1 миллион 600 минг сўмлик маблағ иқтисод қилишга эришиш мажбуриятини оллилар.

Экскаватор, Каганович номли, «Таштекстильмаш», «Ташкенткабель», «Под'ёмник», МПС машинасозлик заводларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари планга қўшимча равишда 26,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан мажбурият қабул қилдилар.

Сталин номли тўқимачилик комбинати коллективи йил охиригача плондан ташқари камида 2,5 миллион метр газлама, биринчи пойафзал фабрикаси коллективи эса плондан ташқари 8 миллион сўмлик пойафзал ишлабчиқаришга аҳд қилдилар.

Маҳаллий ва кооператив саноати ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш учун курашмоқдалар.

Тошкент узелининг темирйўлчилари юк ташиш планини 110 процент, юк ортиш планини 102 процент қилиб бажариш ҳамда вагонлар оборотини 10 процент тезлаштириш мажбуриятини олдилар.

Партия XX с'ездини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун шаҳар районлари ўртасида ҳам мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Куйбишев район корхоналари коллективлари 1955 йил планини муддатидан олдин бажариш ва йил охиригача плондан ташқари 37,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб бериш. Фрунзе район корхоналари 37,4 миллион сўмлик, Ленин район корхоналари 30 миллион сўмлик, Октябрь район корхоналари 22,5 миллион сўмлик, Сталин район корхоналари 26,8 миллион сўмлик, Киров район корхоналари 13,8 миллион сўмлик, Москва район корхоналари 15,3 миллион сўмлик, Марказий район корхоналари 16,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб беришга аҳд қилдилар.

Тошкентдаги ҳамма саноат корхоналарининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақият блан бажаришлари шаҳар бўйича йиллик давлат планини 15 декабрьгача, бешйиллик топшириғини эса 25 октябрьгача бажариш имкониятини беради.

Биз, саноат ва транспорт илғорлари умумшаҳар йиғилишининг қатнашчилари, Тошкент корхоналарининг ҳамма ишчиларини, инженер-техник ходимларини ва хизматчиларини КПСС XX с'ездини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришга чақирамиз. Бу мусобақада актив қатнашиш ҳарбир ишчининг, ҳарбир мастер, инженер, техникнинг ҳамма завод ва фабрика, қурилиш ва транспорт корхоналари коллективларининг ватанпарварлик бурчидир.

Биз, техникани янада тараққий этдириш учун, меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ошириш учун, ускуналар ва мавжуд ишлабчиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш учун, энг яхши корхоналар, ишлабчиқариш илғорлари ва новаторлар тажрибасини кенг оммалаштириш учун янада сабот блан курашамиз.

Биз, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, Тошкент саноати ва транспорти корхоналарининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг саноатни янада ривожлантиришга, техникани тараққий этдиришга, ишлабчиқаришни ташкил этишни янада яхшилашга, социалистик Ватанимизни янада гуллаб-яшнатишга қаратилган тарихий қарорларини тезликда амалга ошириш учун ўзларининг барча куч ва ғайратларини сафарбар этадилар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини муваффақият блан бажариш мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, совет халқининг турмуш фаровонлигини узлуксиз ошириб боришга, бутун дунёда тинчлик учун курашиш га қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.

(БУ МУРОЖААТ ТОШКЕНТ САНОАТИ ВА ТРАНСПОРТИ ИЛҒОРЛАРИНИНГ УМУМШАҲАР ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН)

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш блан шуғулланаётган совет халқи сиёсий ва меҳнат ғайрати тобора кучайиб бораётган вазиятда яшамоқда ва ишламоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мамлакатимиз олдида турган катта вазифалар партиявий раҳбарлик методларини янада такомиллаштиришни, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларини кескин равишда яхшилашни, коммунистларнинг ижодий активлигини ва авангардлик ролини ҳартомонлама оширишни, танқидни ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдиришни талаб қилмоқда.

Коммунизм ғалабаси учун кураш партияси бўлган, революцион ҳаракат партияси бўлган партиямизнинг моҳияти танқид ва ўз-ўзини танқидга жуда катта аҳамият берилишини, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг зарурлигини талаб қилмоқда. Ҳарқандай турғунлик ва эскиликнинг муросасиз душмани бўлган Коммунистик партия эришилган муваффақиятлар блан ҳеҳқачон қаноатланиб қолмайди ва меҳнаткашлар оммасининг манфаатлари йўлида ҳамиша янгидан-янги муваффақиятларга эришишга муттасил ҳаракат қилади. Танқид ва ўз-ўзини танқид—камчиликларни очиб ташлаш ва йўқотишнинг, хатоларни тузатишнинг, олга томон қилинаётган ғолибона ҳаракатга халақит беручи бутун эскиликни, умри тугаб бораётган нарсаларни бартараф қилишнинг синалган воситасидир. Ўз-ўзини танқид ва қўйидан бўладиган танқид қанчалик кенг авж олдирилса, халқимизнинг ижодий кучлари ва ғайрати шунчалик тўлиқ намоён бўлаверади, оммаинг меҳнат ва сиёсий активлиги шунчалик ўсаверади.

Саноатни ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, техниками тинмай янада тараққий этдириш, ишлабчиқаришнинг ташкил этилишини янада яхшилаш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш масалалари партия ташкилотларининг, барча совет кишиларининг иккат марказида турган ҳозирги пайтда танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳартомонлама авж олдириш айниқса зарурдир. Партия томонидан қўйилган вазифалар даражасида бўлиш учун камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш, шу камчиликларни дадиллик блан очиб ташлаш ва уларни йўқотиш, оммаинг овозига, оммаинг тўғри танқидий фикрларига ва қимматли таклифларига сезгирлик блан қулоқ солиш керак.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг якунларини муҳокама қилишга бағишланиб партия активларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишлари ва партия комитетларининг пленумлари коммунистларнинг активлиги ва ташаббуси янада ўсганлигини, танқид ва ўз-ўзини танқид ривожланганлигини кўрсатади. Буни бирқанча областлар ва республикаларнинг бошлаганч партия ташкилотларида бошланган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам кўрсатиб турибди. Партиялилар оммаси партия ташкилотларининг ишларидаги, ҳўжалик ва маданий қурилишдаги камчиликларни танқид қилмоқда, очиб ташланган камчиликларни йўқотиш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш йўлларини белгилаб бермоқда.

Практика шуни кўрсатмоқдаки, танқид ва ўз-ўзини танқид кенг авж олдирилган жойларда партия ташкилотлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақият блан ҳал қилмоқдалар. Ишдаги камчиликларга одамлар муросасозлик блан қараётган, бу камчиликларга лозим бўлган даражада партиявий баҳо берилмаётган, принципиал танқидни ривожлантиришга ёрдам берилмаётган жойларда аҳвол бошқачадир.

Ма'лумки, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида Челябинск область партия комитети жиддий танқид қилинган эди, область саноат корхоналари планни умуман бажарганлари ҳолда, кўпгина корхоналарнинг ишларида ўпирилилар рўй берганлигини обком сезмаётганлиги, Челябинск металлургия заводи синтари катта корхонага илғорларнинг энг яхши иш усулларини ёймаётганлиги, бу заводда ишлабчиқариш процесслари юксак даражада механизациялаштирилганлиги блан бир қаторда кустарьчилик ва қолоқлик ҳам борлиги айтиб ўтилган эди. Челябинск область партия ташкилоти активларининг КПСС Марказий Комитети Пленумининг якунларига бағишланган йиғилишида шу камчиликлар тўғрисида айниқса кескин равишда ва тўла-тўкис гапирилиши керак эди. Броқ, активлар йиғилишида бундай қилинмади. Докладчи—область партия комитетининг секретари Ўртоқ Лаптевнинг ўзи шундай танқид бўлишига йўл очмади. Унинг докладида обкомнинг иши етарлик даражада танқид қилинмади ва ишлабчиқаришни механизациялашга тўсқинлик қилаётган хўжалик ва партия раҳбарлари лозим бўлган даражада танқид қилинмади. Шунинг учун ҳам нотиқлардан бири — Бродокалмакский район партия комитетининг секретари Ўртоқ Мишин область ташкилотларини енгил-елпи танқид қилишдан олдин йиғилиш олдида кечирим сўраб, сўнгра шу ташкилотларнинг раҳбарлари ша'нига бир-икки оғиз гап айтиб ўтдики, бунга таажжубланмаса бўлади.

Танқид ва ўз-ўзини танқид кадрларимизни партия ва давлат манфаатларига оғишмай риоя қилиш руҳида, партия ва ҳукумат қарорларини бажариш учун ҳормай-толмай актив курашиш руҳида тарбиялашнинг синалган методидир. Кадрларнинг хатоларидан кўз юмилаётган жойларда, оилачилик вазияти ва обивательларча осойишталик мавжуд бўлган жойларда кадрлар тўғри тарбия қилинмайди ва тўғри тарбия қилиниши ҳам мумкин эмас. Бундай вазиятда ба'зи кишилар ишларнинг аҳволини аниқ тасаввур қилаолмай қоладилар, ўзларини-ўзлари аллалаш блан шуғулланабошлайдилар, кибрланишга ва мақтанишга берилиб кетадилар. Бунинг натижасида ишда катта ўпирилишлар рўй беради.

Ўзбекистонда Бухоро области узоқ вақтдан бери йўл қўйиб бўлмаслик даражада орқада қолиб келмоқда. Бу областдаги кўпгина районлар бирнеча йиллардан бери пахта тайёрлаш планини бажармаётирлар ва ҳатто бу техника экинининг ҳосилдорлигини пасайтириб юборидилар. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш планлари ҳам систематик равишда бажарилмаётир, унинг маҳсулдорлиги жуда паст. Бундай аҳволга кўп жиҳатдан шу нарса сабаб бўлмоқдаки, у ерда танқид ва ўз-ўзини танқид лозим бўлган даражада авж олдирилмаган, кўпгина масалалар кабинетда, оилавий тарзда ҳал қилинмоқда. Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Жўрабоев ҳамма ишни ўзи бажаришга ҳаракат қилади, обком бюросининг бошқа а'золари эса унинг характерини билганликлари учун ва у блан муносабат бузилиб қолишидан қўрқиб, ишда ташаббус кўрсатмаётирлар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жумаев ҳарбир масала юзасидан узундан-узоқ нутқлар сўзлаб, ҳар сафар бу нутқларни обком биринчи секретари ша'нига айтилган: «Ўртоқ Жўрабоев бизга айтганларидек», «Ўртоқ Жўрабоев неча марталаб айтиб қилиб ўтганларидек...» деган сўзлар блан бошлайди.

Ўз-ўзини танқидни, айниқса қўйидан бўлаётган танқидни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганларга қарши партия кескин қураш олиб бормоқда. КПСС Уставида, танқидни бўғиш оғир жиноятдир, танқидни бўғадиган, танқид ўрнига лаббадабозлик ва мақтанчоқлик блан шуғулланаладиган киши партия сафларида турипти мумкин эмас, деб айтилган. Афсуски, ўзларининг партияга содиқликлари тўғрисида тинмай қичқирганлари ҳолда, қақиқатда қўйидан бўладиган танқидга чидамаётган, бундай танқидни бўғаётган, танқид қилган кишилардан ўч олаётган ходимлар бизда ҳали ҳам бор.

Танқидни очиқдан-очиқ бўғиш фактлари блан бир қаторда танқидни назар-писанд қилмасликка уриниш, танқиднинг та'сирини сусайтиришга, танқидни бўғишга урнишнинг бошқача, ниқобланган формала рўй бериши сингари ҳоллар ҳам ба'зан учраб қолмоқда. Гап шу ҳақда бораётирки, айрим ходимлар танқид фойдали деб гапириб, танқиднинг тўғрилигини сўзда иқрор қиладилару, аммо танқидан ҳеч қандай хулоса чиқариб олмайдилар, камчиликларни амалда тузатиш чораларини кўрмайдилар. Танқидга мана шундай расмиятчилик блан, бюрократларча муносабатда бўлиш танқидни қуруқ гапга айлантириб юборади, коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг активлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилади. Шу нарсани узил-кесил тушуниб олиш керакки, танқиднинг тўғрилигини сўзда тан олиш блан бирга, камчиликларни йўқотиш учун кураш олиб бормасликнинг ўзи амалда танқидни бўғишнинг ўзига хос бир кўринишидир.

Танқидни тан олгандан кейин шунга яраша иш қилиш керак, танқидий фикр айтилгандан кейин камчиликларни йўқотиш, хатоларни тузатиш керак. Раҳбарлик сан'ати ҳам шундан иборатки, хавфни бошланиб келаётган вақтда кўрабилиш ва бу хавфнинг хатарга айланиб кўпайиб кетишига йўл қўймаслик керак, танқидлан тўғри хулосалар чиқариб олабилиш, зарур қарорлар чиқариб, шу қарорларга яраша ташкилий иш олиб борабилиш, шу қарорнинг ижросини текшириб туришни та'минлаш керак.

Танқид ва ўз-ўзини танқид кампания тариқасидаги иш эмас, балки партиямизнинг арсеналидаги доимий ишлаб турган қуролдир. Партия ташкилотлари, ҳамма раҳбарларимиз танқидга тўғри, ҳалол муносабатда бўлиш намунасини кўрсатиб туришлари, софвиждонли совет кишиларининг ҳаммаси ташкилотлар ва муассасалар ишидаги камчиликларни дадил ва бўқмасдан танқид қилаолишларини та'минлайдиган шариот вужудга келтиришлари лозим. Партия камчиликларимизни танқид қилишни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган, танқид учун кувғин ва та'қиб қилишга йўл қўяётган кишиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатиб бермоқда.

Партия ички демократиясига, барча оммавий ташкилотларда демократиясига қаттиқ риоя қилиш ва бу демократияни ҳартомонлама ривожлантириш танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдиришнинг энг муҳим шартидир. Партия йиғилишлари, партия активларининг йиғилишлари, партия комитетларининг пленумлари камчиликларни дадил ва кескин танқид қиладиган кенг трибуна бўлиши лозим. Саноат корхоналарида хўжалик активларининг йиғилишларини мунтазам суратда ўтказиб туриш практикасини тиклаш керак, шу актив йиғилишларида ишлабчиқаришнинг конкрет масалаларини, илғор техниками жорий қилишнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг конкрет масалаларини муҳокама қилиш керак, тантанабозликка ва дабдаба гапларга йўл бермай, қўйилган масалаларнинг амалий, танқидий муҳокама қилинишини та'минлаш керак. Ишлабчиқариш кенгашларига ва ишчиларнинг йиғилишларига етарлик аҳамият бермаслик ҳоллариға қат'иян хотима бериш, бундай кенгашлар ва йиғилишларни систематик равишда ва юксак савияда ўтказиш керак.

Ҳозирги вақтда бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари танқид ва ўз-ўзини танқидни янада авж олдиришга хизмат қилади, ишдаги камчиликларни йўқотишга, хўжалик ва маданий қурилишда партиялилар оммасининг активлигини ва фаолиятини оширишга ёрдам беради. Партия ташкилотларимиз танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳартомонлама ривожлантириб, ўз олдиларига қўйилган катта ва мас'улиятли вазифаларни ҳал қилишда янги муваффақиятларга эришадилар.

(«ПРАВДА»нинг 30 августдаги бошмақоласи).

Меҳнат резервлари ўқув юртлари ва мактаблари ходимларининг конференцияси

Тошкентда Ўзбекистон меҳнат резервлари ўқув юртлари ва мактаблари ходимларининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ўтган ўқув йилида ёш ишчилар тайёрлаш соҳасидаги ишларнинг якунларини ва КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари асосида кадрларни ўқитиш вазифаларини муҳокама қилди. Конференция ишида ўқув юртларининг директорлари, ўқитучилари ва ишлабчиқариш та'лими мастерлари, шунингдек саноат корхоналари ва идораларнинг раҳбарлари, партия ва комсомол ходимлари қатнашдилар. Меҳнат резервлари Ўзбекистон республика бошқармасининг бошлиғи Землянский ва бошқарма бошлиғининг ўринбосари Иброҳимов ўртоқлар доклад қилдилар.

Докладчилар ва музокарада сўзга чиққанлар қайд қилиб ўтдиларки, малакали саноат ишчи кадрлари тайёрлаш тўғрисида давлат катта ғамхўрлик қилмоқда. Меҳнат резервлари ўқув юртлари ва мактаблари шу йил ёзида 1000 лаб ёш мутахасис тайёрлаб чиқардилар. Ҳозирги вақтда меҳнат резервларининг 47 ўқув юртига ўтган йилдагига қараганда икки ярим минг киши ортиқ қабул қилинди.

Конференцияда «Ташсельмаш», Каганович номли заводларнинг ва бирқанча бошқа корхоналарнинг ма'муриятлари, партия ва жамоат ташкилотлари меҳнат резервлари мактабларида тарбияланган ишчилар учун яхши уй-жой, маиший шароит яратиб бериш ҳақида яхши ғамхўрлик қилмаётганликлари ва уларни иш ўрни блан та'минламаётганликлари учун ҳақли равишда танқид қилиндилар.

Меҳнат резервлари Ўзбекистон бошқармасининг раҳбарлиги кадрлар тайёрлаш давлат планининг республика бўйича умуман бажарилмаганлиги учун жиддий танқид қилинди. Ўқув юртларида Ўзбекистон учун зарур бўлган кўпгина ихтисослар бўйича ишчилар тайёрланмаётганлиги, республика ишчилар синфи маҳаллий миллий кадрлар ҳисобидан кам ўсаётганлиги кўрсатилди.

Конференцияда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. Абдуразоқов нутқ сўзлади.

Конференцияда қабул қилинган қарорда Ўзбекистондаги меҳнат резервлари ўқув юртларида ва мактабларида ёш ишчилар тайёрлаш сифатини яхшилаш тадбирлари белгиланди. (ЎзТАГ).

ЭРТАГА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

Ўқув-тарбия ишлари савиясини юксак талаблар даражасига кўтарамиз

(Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ О. ТОЖИЕВ блан суҳбат).

Партия ва ҳукуматимизнинг халқ маорифини ривожлантириш тўғрисида қилаётган ғоят катта ғамхўрликларидан илҳомланган республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳар халқ маорифи органларининг ходимлари ва мактабларнинг педагогик коллективлари ўтган ўқув йилида ёш авлодни ўқитиш ҳамда уларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида бирмунча яхши натижаларга эришдилар.

Мактабларда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш кўп жиҳатдан янги ўқув йилига ўз вақтида ҳартомонлама пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир. Шу муносабат блан шаҳар партия, совет ташкилотлари, саноат корхоналарининг коллективлари ва бутун жамоатчилик мактабларни янги ўқув йилига намунали тайёрлашда актив ёрдам бердилар. Шаҳарнинг Куйбишев районида 64-нчи ўрта мактаб учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу райондаги 47-нчи ўрта мактабда қатта акт зали қурилиб тамомланди. Киров районидаги 43-нчи мактабнинг икки қаватли биноси устига учинчи қават тикланиб, синф хоналари кўпайтирилди ва мактаб ўқучиларининг сони анча ошди. «Ташсельмаш» заводи қураётган янги ўрта мактаб биноси ноябрь ойигача фойдаланишга топширилади.

Бу йил шаҳардаги 37 мактаб биноси капитал, 105 мактаб биноси ўз вақтида жорий ремонтдан чиқарилди. Сталин районидаги 90-нчи мактабга 230 минг сўм, Фрунзе районидаги 135-нчи мактабга 150 минг сўм сарфланиб, капитал ремонт қилинди. Мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёрлашда айниқса Москва ва Сталин районларининг жамоатчилиги яхши ташаббус кўрсатдилар.

Шаҳардаги 46 та мактаб саноат корхоналарининг оталигига беркитилган. Корхона коллективлари мактаб биноларини ремонт қилиш, ўқув-тажриба кабинетлари ҳамда мактаб устахоналарини жиҳозлаш ва ускуналашда зарур ёрдам кўрсатдилар. Киров районидаги 43-нчи, Марказий райондаги 32,50 ва Ленин районидаги 68-нчи мактабларнинг физика, химия кабинетлари ўқув-тажриба асбоблари блан мукаммал жиҳозлантирилди.

Янги ўқув йили олдидан ўқучиларни дарсликлар, ўқитучиларни программа ва методик қўлланмалар блан етарли равишда та'минлашга ҳам алоҳида э'тибор берилди. Ўзбек мактаблари 90 номда 244 минг 202 дона, рус мактаблари 98 номда 458 минг 922 дона дарслик китоблар, ҳамма мактаблар юқори малакали ўқитучилар блан та'минланди. Шу жумладан мактабларга олий ўқув юртларини тамомлаган 64 янги ўқитучи юборилди. Бу йил рус мактабларида ўзбек тили ўқитишнинг бекор қилиниши муносабати блан рус мактабларида ўзбек тилидан дарс бериб келган 157 ўқитучи бир ойлик маҳсус курсда ўқитилиб, бошланғич мактаблар учун ўқитучи қилиб тайинланди.

Бу йил мактабларимиз умумий ўрта та'лим ва политехник та'лимни амалга ошириш юзасидан янги план ва программа асосида иш олиб борадилар. Мактабларда ўқув-тарбия ишлари савиясини юксак даражага кўтариш, ўқучилар ўртасида онгли интизомни ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкамлаш, оила ва мактаб ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшларни келажак практик ишларга пухта тайёрлаш учун ўқув процессига политехника та'лимини тўла ва мақсадга мувофиқ жорий қилиш муҳим вазифадир.

Шубҳа йўқки, шаҳар халқ маорифи органларининг ходимлари, мактаб раҳбарлари ва педагогик коллективлари бу вазифаларни шараф блан бажариб, ўқув-тарбия ишлари савиясини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарадилар.



Суратда: Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозда қурилган янги мактаб биносининг ташқи кўринниши. **В. Салов фотоси.**

Жамоатчилик ташаббуси блан

Эртага 1 сентябрь — янги ўқув йилининг бошланиш куни. Шу куни ёз бўйи қувноқ дам олган пионер ва ўқучилар янги куч, янги ғайрат тўплаганлари ҳолда ўз жонажон мактаблари қучоғига, қадрдон синфларига қайтиб келадилар. Партия ва ҳукуматимиз уларнинг коммунистик руҳда тарбияланишлари, билим чўққиларини эгаллашлари учун тинмай ғамхўрлик қилиб, ҳамма имкониятларни яратиб бермоқдалар.

Ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қилган Гулистон районининг мактабларида бу йил янги ўқув йилига тайёргарлик ҳартарафлама кучайтириб юборилиб, яхши натижаларга эришилди. Районда мавжуд бўлган 21 мактабнинг ҳаммаси ўтган йилгидан 20 кун илгари — 8 августда тўла ва сифатли ремонтдан чиқарилди. Қўшимча равишда 300 дан ортиқ янги парта келтирилди. 30 минг сўмлик юмшоқ мебельлар сотиб олинди. Район халқ маорифи бўлимининг раҳбарлари (мудири ўртоқ И. Олломуродов) ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида юқори синф ўқучилари учун 25 минг сўмлик химия-физика асбоблари сотиб олиб, уларни ўз вақтида мактабларга тақсимлаб бердилар. Шунингдек, мактабларда физкультура ва спорт ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида 3 та ўрта мактаб учун қўшимча равишда 7 минг сўмлик турли хил спорт материаллари олинди.

Район мактабларида эришилган ютуқлардан яна бири шундаки, бу йил ҳамма мактаблар олий ма'лумотли ва малакали ўқитучилар блан тўла та'минланди. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, маҳаллий совет депутатлари ўқучиларни рўйхатга олиш вақтида мактабларга яқиндан ёрдам бердилар. Ана шунинг натижасида бу йил биринчи бор мактабга қадам қўючи ва мавжуд ўқучилар 20 августгача тўла рўйхатга олиниб бўлиниб. 4018 ўринга 4200 ўқучи мактабларга жалб қилинди.

Янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришда райондаги Чернишевский номли 2-нчи, Ворошилов номли 10-нчи ўрта, 15-нчи еттийиллик ва 11-нчи бошланғич мактаб коллективлари эришган муваффақиятлар алоҳида таҳлирга сазовордир.

10-нчи ўрта мактаб (директори ўртоқ М. Ўлжаев) биноси бу йил, айниқса сифатли ремонт қилинди ва яхшилаб жиҳозлантирилди. Коридорлар, синфлар ёғлиқ краскалар блан чиройли қилиб бўялди. Синф хоналарига ўнлаб янги стол ва стуллар қўйилди. Ҳаммадан шуниси қувончлики, ўқитучилар коллективининг ташаббуси блан мактаб бу йил биринчи марта тўла электрлаштирилди. Бу эса ўқучилар учун кечки консультацияларни муваффақиятли ўтказиш, кутубхона ва турли тўгаракларда машғулотлар олиб бориш имкониятини туғдиради. Шунингдек, 15-нчи еттийиллик мактабда бу йил ўқучиларнинг сони ошганлиги учун 2 та янги синф хонаси қурилди, мактаб томи очилиб, янгидан ускуналанди, футбол, волейбол майдончалари қурилди.

Мактабларни ремонт қилишда колхозчи ота-оналарнинг яқиндан туриб берган ёрдамларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Райондаги Свердлов номли колхоз правленеси ва партия ташкилоти 8-нчи мактабни янги ўқув йилига тайёрлашда яхши ташаббус кўрсатдилар. Ремонт учун зарур бўлган қурилиш материаллари колхоз машиналари блан ташиб келтирилди, колхоз правленеси (раиси ўроқ Е. Ким) ремонт ишларини тезлаштириш ва сифатли ўтказиш мақсадида бирқанча ишчи кучлари ажратди. Шунингдек, 20 минг сўмлик ҳарҳил қурилиш материаллари олиб берди.

2-нчи ўрта мактаб биноси «Красная заря» колхози территориясига жойлашган. Колхозчи ота-оналар шу мактабнинг филиаллари ҳисобланган 20 ва 21-нчи бошланғич мактабларни колхоз фондидан сифатли ремонт қилиб бердилар.

Район халқ маорифи раҳбарлари ва мактаб коллективларининг эндиги вазифаси— эришилган ана шу муваффақиятларни мустаҳкамлашдан, ўқучиларга билим бериш савиясини янада яхшилашдан иборатдир.

Ж. УСМОНОВ.
Т. РУЗИБОЕВ.

Пухта тайёргарлик натижаси

Куйичирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг марказий бўлимида ҳашаматли кўркам мактаб биноси бутун гўзаллиги блан қад кўтариб турибди. Мактаб эшигидан бино ичкарисига киришингиз блан унинг яхшилаб ремонт қилинганги ва шинамгина безатиб қўйилганлиги кўзга яққол ташланади. Кенг ва ёруғ синф хоналарига чиройлик қилиб бўялган парта ва доскалар ҳамда стол, стуллар тартиб блан жойлаштириб қўйилган. Умуман мактаб биносининг ички ва ташқи томонини кўздан кечирган киши унинг биринчи сентябрь куни ўз ўқучиларини кутиб олишга беками-кўст тахт қилиб қўйилганлигини дарҳол пайқаб олади.

Бу йил мактаб ёнида қўшимча 9 хоналик янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб педагоглар состави юқори малакали ўқитучилар ҳисобига тўлдирилди. Шунингдек, физика, химия кабинетлари 5000 сўмлик янги ўқув-тажриба асбоблари блан жиҳозлантирилди, мактаб қошида янги устахона ва 30 кўйкалик интернат ташкил этилди.

Яқинда ўқучиларнинг ота-оналари блан умумий йиғилиш ўтказилди ва мактаб директори ўртоқ Ю. Ким «Болаларни тарбиялашда ота-оналарнинг вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Д. ТОШХЎЖАЕВ.

Район мактаблари янги ўқув йилига тайёр

Паркент район жамоатчилиги мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ва намунали тайёрлаш юзасидан бошланган ташаббусга қўшилиб, яхши натижаларга эришдилар. Райондаги 18 мактаб, шу жумладан 4 та ўрта мактаб биноси ва инвентарьлари август ойи бошларидаёқ тўла ҳамда сифатли ремонтдан чиқарилди.

Район халқ маорифи бўлими (мудири ўртоқ Т. Икромов) янги ўқув йили олдидан мактаб тормозларини кенгайтириш ва уларнинг моддий-материал базасини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширди. Чунончи, Номданак қишлоқ Советидаги Маленков номли еттийиллик мактаб ўрта мактабга айлантирилди. Шунингдек, янги ташкил этилган «Санганак» совхози ҳузурида бошланғич мактаб очилди. Паркент қишлоқ Советидаги Киров номли мактаб биноси кенгайтирилди ва ўтган йилдагига нисбатан синфлар сони анча ошди.

Район мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ўқув-тарбия ишлари савиясини кўтаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш блан боғлаб олиб борилмоқда. Ўтган ўқув йили якунида район бўйича 1008 ўқучи айрим фанлардан ўзлаштираолмаган эди. Халқ маорифи бўлимининг ходимлари ўтган йил юз берган камчиликларни янги ўқув йилида узил-кесил бартараф қилиш мақсадида даставвал мактабларни малакали ўқитучи кадрлар блан та'минлашга алоҳида э'тибор бердилар. Шу муносабат блан область халқ маорифи бўлими томонидан район мактабларига 31 янги ўқитучи юборилди, ўтган ўқув йилида та'лим-тарбия ишларида катта камчиликларга йўл қўйилган Карл Маркс номли, «Ким» ва Каганович номли ўрта мактабларга тажрибали маориф ходимлари ва педагоглардан директор тайинланди. Ўқув процессига политехника та'лимини муваффақиятли жорий қилиш мақсадида кўпгина мактабларнинг тажриба участкалари анча кенгайтирилди, физика, химия, биология кабинетлари янги тажриба асбоблари ва кўргазмали ўқув қуроллари блан та'минланди.

Бу йил мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олиш ишлари ўтган йилга нисбатан анча илгари бошланди ва бу ишга мактаб ўқитучилари блан бир қаторда қишлоқ Совети депутатлари ҳам жалб этилди. Бу соҳадаги ишлар ўқиш ёшидаги биронта болани ҳам мактабдан четда қолдирмаслик шиори остида олиб борилмоқда.

Район мактабларини қишлик ёқилғи запаслари блан та'минлашда колхозлар яхши ташаббус кўрсатмоқдалар. Шу кунгача 100 дан ортиқ ўқитучининг уйи ремонтдан чиқарилди. Мактабларнинг деярлик ҳаммаси янги нашр этилган дарсликлар, ўқув қуроллари ва ёзув буюмлари блан та'минланган. Мактабларда кузги интиҳонга қолдирилган ўқучилар блан системали равишда консультациялар ўтказилди ва кўпгина ўқучиларнинг кузги интиҳондан муваффақиятли ўтишларига эришилди.

Район партия, совет, комсомол ташкилотлари, халқ маорифи бўлимининг ходимлари ва мактаб педагогик коллективларининг эндиги вазифаси—янги ўқув йилига тайёргарлик соҳасида қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, биринчи сентябрьда ўқиш ёшидаги барча болаларнинг дарс машғулотларига тўлатўкис келишларини та'минлашдан иборат.

Ю. БОҲОДИРОВ.

Истиқбол бўсағасида

Қалин дарахтзор ичида қад кўтарган ҳашаматли бино олисдан кўзга яққол ташланиб туради. Мана, кенг ва баланд пиллапоя, қўштабақали забардаст эшик. У ланг очиқ. Пештоқига йирик ҳарфлар блан «Хуш келибсиз!» деб ёзиб қўйилган. Ундан пастроқдаги вивескада «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти» деб зарҳал блан ёзилган сўзлар порлаб турибди. Бу сўзларни ўқиб, қалбингизда бир олам севинч ҳис қиласиз. Бу севинч, биринчи кунданоқ кўнглингизда бу олий даргоҳ — институтга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисларини уйғатади.

Бу ерга келган ҳарбир қиз ва йигит ана шу кечирмалар блан ичкарига кириб боради. Бу даргоҳ кимларни вояга етказмади дейсиз. Қанчадан-қанча кишилар инженер деган ҳаёт йўлланмасини ўз қўлларига ана шу ердан олганлар. Улар ҳозир жонажон Ватанимизнинг серунум тупроғини яшнатиб, чаманга айлантирмоқдалар. Бирлари қақраган ерларни ўлчаб, планлаштириб берадилар, иккинчилари унга канал ўтказиб ҳаёт суви юборадилар, учинчилари эса, бу ерларни ишлаб, экин экиб, парвариш қиладиган қудратли техникани бошқарадилар. Хуллас, бир мақсад блан қўлни-қўлга бериб, чўлни гулистонга айлантирадилар.

Бугун институт биноси ҳаркунгидан ҳам тавжум эди. Негаки, қабул комиссияси ёшларга ким қайси факультетга қабул қилинганлиги ҳақидаги хушхабарни э'лон қилган эди. Ёш студентлар ўзларининг институтга қабул қилинганликларини эшитиб, беҳад хурсанд эдилар. Улар ҳарер-ҳарерда тўда-тўда бўлиб хушчақчақ суҳбатлашадилар.

Учинчи қаватга чиқаверишдаги кенг зина олдида бир тўда йигитлар тўпланиб туришибди. Булар бугундан бошлаб қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетининг студентлари. Ўртада Ўртачирчиқ район, Тўйтепа қишлоқ советидаги Ленин номли колхоздан келган Абдулла Султонов сўзламоқда. У, илгор техника ёрдамида колхозда, умуман районда қилинаётган катта-катта ишлар ҳақида мароқ блан ҳикоя қилаётир. Унинг атрофидаги йигитлар юзида қандайдир қониқиш ва мамнуният белгиси борлиги сезилиб туради.

— Тўғри, техника ажойиб нарса, — дейди унинг гапини ма'қуллаб Андижон область, Хўжаобод район, Манак қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхоздан келган Не'мат Бозоров, — техника бирйиллик ишни бир ҳафтада ўмариб ташлайди. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорида техниканинг моҳияти аниқ-равшан айтилган. Техника жонинг роҳати. Битта одам канал қазийдиган машина блан бир кунда қанча ерга канал очади. Яна, бу машина канал ёқасини қойил қилиб ўзи шиббалайди. Хе, нимасини айтасиз, техника блан тоғни талқон, чўлни бўстон қилинаяпти. Бизнинг Хўжаободда қанчаю-қанча дашт ерлар техника туфайли бир йилдаёқ экинзорга айлантирилди. Бу ишларни қўл кучи блан бажариш амри маҳол...

Коридорда 5 — 6 та қиз қаҳ-қаҳ урриб сўзлашмоқда. Атлас кўйлакли, бошига чамандагул дўппи кийган, қора кўз, бўғдой ранг, кулча юзли ўзбек қизи нималарнидир гапириб рус дугоналарини кулдирмоқда. Бу қиз Наманган область, Косонсой районидан келган Мунисхон Ортиқова эди. У, район марказидаги Крупская номли рус мактабини тамомлаб бу ерга келган. Мунисхон конкурсга рус группасида қатнашиб, имтихонлардан муваффақиятли ўтди.

— Сиз ҳам гидро-мелиорация факультетига кирдингизми? — сўради у қаршисида кулиб турган фрунзели Валентина Ольховадан.

— Мен, ертузиш факультетига кирдим, — жавоб берди Валя,—менга кўпроқ шу соҳа ёқади.

— Тўғри, кимга нима ёқса ўшанга ўқиши керак, — деди Мунисхон, — биз тўрт киши келдик. Фақат Амир Содиров механизация факультетига кирди, қолганлар бизнинг факультетда. Бизга мелиорация кўпроқ ёқади.

Мана, қабул комиссияси ўтирган кабинетдан икки йигит чиқиб келди. Унинг бири сирдар'ели Турди Бобоев, иккинчиси эса Верхне-волинск районли Абдуҳаким Йўлбеков эди. Турди Бобоев Тошкент гидро-мелиорация техникумини а'ло баҳода тамомлаб институтнинг шу факультетига ўқишга кирди. Абдуҳаким Йўлбеков эса механизация факультетига кирди. У, бу ерда ўқишни 8 — 9-нчи синфда ўқиб юрган пайтидаёқ орзу қиларди. Сабаби, Абдуҳакимлар оиласи Партия ва Ҳукуматнинг янги ерларга кўчиб бориш ҳақидаги чақириғига жавобан биринчилар қаторида 1941 йилда Самарқанд областининг Жиззах районидан Мирзачўлга кўчиб келган эди. Янгиерлилар Мирзачўлни обод қилишга қат'ий бел боғладилар. Улар янги колхоз тузиб, бўз ва қўриқ ерларни очдилар, каналлар қазиб сув келтирдилар, турли дарахт кўчатлари ўтказдилар, мевазор боғлар бунёд қилдилар. Колхозчиларга мадад бериш учун жуда кўп машина-тракторлар келди. Абдуҳаким бу воқиани ўз кўзи блан кўрди. Унинг дадаси Йўлбек ота Душабеков ҳам колхоз а'зоси сифатида бу ободончилик ишларида актив иштирок этди. Шунинг учун ҳам Абдуҳакимнинг кўнглида янги ерларни ўзлаштиришга ҳисса қўшиш ҳавоси уйғониб қолди. У, ана шу ҳавас, аниқроғи ана шу мақсад йўлида бу институтга ўқишга келди. У, янги ерларни очишда асосий куч бўлган — қудратли техниканинг инженери бўлиб етишмоқчи. Абдуҳаким қишлоқдан келаётиб, отасига кўнглидаги ана шу мақсадни гапирди.

— Бор ўғлим, бор, — деди хурсанд бўлиб Йўлбекота, — орзуйингга ет, мақсадингга эриш.

Абдуҳаким бу институтга кириб, унда билим олиш учун озмунча ҳаракат қилмади. У Ҳамид Олимжон номли мактабда барча фанлардан «5» баҳо олиб ўқиди. Пионер ташкилоти ишларига актив қатнашди. Ленин комсомоли сафига қабул қилингач, мактаб деворий газетасига редакторлик қилди. Мактабда та'лим-тарбия ишларини яхшилашга яқиндан кўмаклашди. Хуллас, у ўйлаган орзусига эришди. Абдуҳаким бугун ўзи хохлаган институтнинг студенти. Ана у, ўзига ўхшаган бахтиёр бир тўда қиз ва йигитлар блан институт бўсағасида — порлоқ истиқбол бўсағасида турибди. Унинг юзида эса, қуёш табассуми жилваланмоқда.

М. ИКРОМОВ.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

Технология процессларини янада такомиллаштирамиз

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг социалистик саноатимизни янада юксалтиришга, техникани янада тараққий эттиришга қаратилган тарихий қарори мамлакатимиздаги барча совет корхоналарининг коллективлари блан бир қаторда Тошкентдаги Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи коллективини ҳам меҳнатда янги муваффақиятларга руҳлантириб юборди. Партиямиз Марказий Комитети саноатимизни янада юксалтиришнинг конкрет программасини чизиб берди.

Завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Пленум қарорларига жавобан мавжуд ишлабчиқариш майдонларидан ҳамда асбоб-ускуналардан яхши фойдаланиш асосида маҳсулот тайёрлашни кун сайин кўпайтиришнинг янгидан-янги резервларини топмоқдалар. Пленум қарорлари корхонанинг барча цехларида ҳартомонлама ишлаб чиқилгандан сўнг шу нарса ма'лум бўлдики, корхонадаги кўпгина резервлардан ҳали тўла фойдаланилмаётир, ишчиларнинг жуда кўп қисми ёрдамчи ишларда банд. Ана шу камчиликларни тугатиш асосида завод техника-иқтисодий кўрсаткичини янада яхшилашга имкон беручи муҳим тадбирлар белгилаб чиқилди. Ҳозир бу тадбирлар биринкетин амалга оширилмоқда.

Темирчилик цехи заводдаги энг муҳим ва ҳал қилучи цехлардан бири ҳисобланади. Чунки, паровоз ва вагонлар учун тайёрланаётган запас қисмларни ва детальларнинг 75 — 80 процанти шу цехда тайёрланади. Заводнинг бошқа цехлари, айниқса йиғув цехларининг иши кўп жиҳатдан темирчилик цехининг қандай ишлаётганлигига боғлиқдир. Агарда темирчилик цехи номенклатурада кўрсатилган детальларнинг ҳаммасини ўз муддатида ва сифатли қилиб бажарса, йиғув цехи ўз зиммасидаги мажбуриятни, шубҳасиз бемалол бажараолади. Шунинг учун ҳам цех коллективи ишлабчиқаришни яхши ташкил этиш ва мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга алоҳида э'тибор бермоқда.

Биз асосий ишлабчиқариш топшириғи блан бир қаторда қишлоқ хўжалиги заказларини ҳам бажармоқдамиз. 5 минг культиватор ва ўғитлагичларнинг узеллари учун детальлар тайёрлаб бердик. Цех ишчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорини пухта ўрганиб чиққач, ўз зиммаларига янги, оширилган мажбурият олдилар. Илғор ишчилардан Пимкин, Ротор, Синев, Умаров ва бошқа ўртоқлар кундалик смена топшириғини доимо ортиқи блан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Цехнинг энг яхши темирчиси Иван Иванович Килячков номини ҳамма ҳурмат блан тилга олади. У, ишлабчиқариш процессларини такомиллаштириш, иш жойини яхши ташкил этиш асосида кундалик топшириқни 180-200 процентга етказиб бажармоқда. Ўртоқ Килячков детальлар тоблашнинг технологиясини такомиллаштиришга қаратилган қатор рационализаторлик таклифлари киритди. Бу таклифларнинг амалга оширилиши меҳнат унумдорлигини кўтариш ва маҳсулот сифатини анча яхшилаш имкониятини берди.

Володя Радчук бундан икки йил муқаддам темир йўл ҳунар мактабини тамомлаб, цехимизга келган эди. Ҳозир унинг номини корхонадаги энг илғор ишчиларнинг номи блан бирга завод ҳурмат тахтасида кўрасиз. Владимир Радчук металлни кўплаб иқтисод қилишга ҳизмат қилучи бирканча таклифлар киритди. У, илгари чиқинди ҳисобида олиб чиқиб ташланаётган темир парчаларидан майда детальлар тайёрлашни таклиф этди.

Цех ишчилари меҳнат унумдорлигини ошириш ва тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш мақсадида ишлабчиқаришга илғор технологияни изчиллик блан жорий қилмоқдалар. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қишлоқ хўжалик машиналарининг детальлари ҳамда паровозларнинг втулка, диска, гайка каби детальларини штамповка усулида тайёрлашга кўчдик. Шу йилнинг ўзида детальларни тоблаш ва штамповка қилиш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган 60 га яқин ташкилий-техника тадбирларини амалга оширдик.

Юқоридаги тадбирларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг социалистик саноатимизни янада юксалтириш соҳасида қўйган вазифаларини бажаришдаги дастлабки қадамдир. Пленум қарорларида кўрсатилган вазифаларни бажариш учун ҳали биз жуда кўп иш қилишимиз керак. Мавжуд ишлабчиқариш майдонларининг ҳар квадрат метридан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш ва иш шароитини яхшилаш учун цех участкаларини реконструкция қилишимиз лозим. Жумладан, янги кўтарма кран ва 3 тоннали болга ўрнатишимиз лозим. Ёрдамчи ва қўл кучи блан бажариладиган ишларни комплекс механизациялаш соҳасида ҳам анча ишлар қилишимиз керак. Ишчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш ва рессорлар тайёрлашни кўпайтириш мақсадида ишитиш печини реконструкция қиламиз. Шунингдек, штамповкасиз тайёрланаётган барча детальларни штамповка йўли блан тайёрлашга ўтамиз.

Цех ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, партиямиз XX с'ездини ишлабчиқаришда янги ютуқлар блан кутиб олиш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қиладилар.

А. ПУЗАНОВ,
Тошкентдаги Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи темирчилик цехининг технологи.

1958 йил ҳисобига

Терининг навбатдаги операцияга тайёрлигини кўпинча бирор асбоб ёрдами блан билиб бўлмайди. Буни кўпдан бери кўзи пишиган кишигина аниқлайолади.

— Мана шу теріларни кўрдингизми, — ҳовуздаги тиниқ сув ичидаги мол теріларини кўрсатиб, сўзлайбошлади бригадир Каримака, — улар кеча ишқордан олиниб, сувга солинган. Агар ҳозир сувдан олиб, строгать (гўштини қириш ва текислаш) қилмасак ертагача гўшти берч бўлиб қолади ва бизни қийнайди, ундан ташқари терининг сифати бузилади.

Шу пайт оёқларига резина этик, эгнига бризент комбинезон кийган бирнеча ишчи узун омбир воситаси блан теріларни ҳовузнинг цемент блан сувалган нишаб қиррасига тортиб чиқарабошладилар.



— Мен 33 йилдан бери кўнчилик касбида ишлаб келаман, — сўзда давом этди Орипов, — илгариги пайтлардаги кўнчилик блан ҳозирги кўнчилик ўртасида солиштириб бўлмайдиган даражада катта фарқ бор. У пайтда кўнчилик энг оғир касб ҳисобланар эди, чунки ҳамма иш қўл кучи блан бажариларди. Ҳозир эса ивитишдан тортиб, то маҳсулот тайёр ҳолда складга топширилгунча бўлган дсярлик ҳамма операциялар механизм кучи блан бажарилмоқда. Бир томондан иш процессларини механизациялаш, иккинчи томондан ишчиларнинг гайрат блан меҳнат қилиши орқасида маҳсулот ишлаб чиқариш ой сайин ортиб бормоқда.

Тўғри, ишлабчиқаришдаги кўнчилик операцияларнинг механизациялаштирилганлиги ва ишчиларнинг фидокорлик блан ишлаши юқори кўрсатгичларга эришиш олдин бажаришга муваффақ бўлди. Ҳозир тери пишириш цехининг бу бригада а'золари 1958 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Улар тайёрлаётган хиром, шевро ва бошқа маҳсулотлар а'ло ва яхши сифатларга қабул қилинмоқда.

Тошкентдаги «XVIII партконференцияси» артелининг тажрибакор бригада бошлиғи Карим Орипов фақат ўз бригадасидагина эмас, балки бутун артель бўйича умумий юксалишга эришиш учун катта ҳисса қўшмоқда. У, 15 йилдан бери артель правленесининг а'зоси сифатида жамоат ишларида актив иштирок этмоқда. У, Мусаев, Қосимов ўртоқлар сингари ўнлаб илғор мастерларни етиштириб чиқарди. Шу кунларда у бошчилик қилаётган бригада а'золари қўлга киритилган ютуқларни ишлабчиқаришда янада юқори кўрсаткичларга эришиш блан мустаҳкамлаш, аҳолига янада кўпроқ кўн маҳсулотлари етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.

Металлургларнинг янги мажбуриятлари

Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС ХХ с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим тарихий воқиани меҳнат соҳасида муносиб совғалар блан кутиб олиш учун интилмоқдалар. Улар ўз имкониятларини пухта ҳисобга олиб, мавжуд резервларни ишга солиш, илғор технологияни ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш ҳамда новаторларнинг иш методларини кенг қўлланиш йўли блан ХХ с'езд очилиш кунигача давлат планларини ортиги блан бажариш ва қўшимча равишда бир неча минг тонна пўлат, бир неча минг тонна прокат етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Азамат металлургларнинг бунга эришиш учун меҳнат унумдорлигини белгиланганидан бирярим процент оширишга; агрегатлар қувватидан рационал фойдаланиш, ҳомаш'ё, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа материалларни тежаб-тергаб сарф қилиш йўли блан маҳсулот таннархини камайтиришга ва пландан ташқари бирярим миллион сўм жамғарма тўплашга аҳд қилдилар.

Улар олинган бу мажбуриятни муваффақият блан бажариш учун бирқанча ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилар. Жумладан энг яхши пўлат қуючи, энг яхши вальцовщик, энг яхши токарь ва бошқа касб новаторларининг илғор иш методлари кенг пропаганда қилинмоқда. Бу тадбирлар ўзининг дастлабки самарали натижаларини бермоқда. Юқа туниклар станининг коллективи август ойи топшириғини белгиланганидан 10 процент ошириб бажарди.

М. КАРИМОВА.

Пахтакор ўртоқлар, ғўза парваришини ҳосил етилгунча қизғин давом этдирайлик, йиғим-теримга пухта тайёргарлик блан киришайлик!

ОЧЕРК

1. ЯНГИ МАЖБУРИЯТ

Қовун пўчоғи ерга тушди. Жийда сарғаябошлади. Далалар бўйлаб ғир-ғир эсган салқин шамол, иссиқ ҳавонинг таптини босиб, куз ҳидини олиб келди.

Кенг майдонларни яшил бахмал каби ғўзалар қоплаб олипти. Уларнинг бағридаги ёнғоқдай шиғил кўсаклар соат сайин тўлишиб етилаяпти. Шоналар ўрнини гуллар, гуллар ўрнини тугунчаклар эгаллаяпти. Булар колхозчиларнинг ғайратига ғайрат қўшаяпти.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубини пахтакорлар меҳнат постида кўтаринки руҳ блан кутиб олган эдилар.

Мактубдан руҳланиб, колхознинг илғор кишилари янги ташаббус кўрсатдилар. Улар, далада етиштирилган ҳосилни аниқ чамалаб, мусобақа мажбуриятларини ўзгартишни лозим топдилар.

— Биз даладаги ҳосилимизни чамалаб кўрдик, — дейди олтинчи бригада бошлиғи Тожихўжа Усмонов. — Чўғи яхши. Айниқса квадрат-уялаб эккан майдонимизда ҳосил мўл бўлаяпти. Аввал 81 гектар еримизнинг ҳар гектаридан 38 центнердан пахта бериш мажбуриятини олган бўлсак, энди бунга яна икки центнердан қўшамиз. Мусобақалашларимизни ҳам шунга чақирамиз!

Саломат Саидова бошлиқ 8-нчи бригада, Ҳасан Ғуломов бошлиқ 10-нчи бригада а'золари ҳам бу ташаббусни қувватлаб чиқдилар.

Бу ташаббус, колхознинг йил бошидаги мажбуриятини ўзгартишга ҳам туртки бўлди. Эндиликда 926 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнер эмас, 40 центнердан ҳосил беришга қарор қилинди.

Бу йил пахтачиликда катта янгилик далил синовдан ўтказилди: колхознинг 90 процентча ерига торқаторлаб чигит экилди. Колхоз а'золари агротехникининг энг янги усуллари ва илғор техникани кенг қўлланиб, ғўза парваришини юқори сифатли қилиб ўтказдилар. Ҳосил тўплашда ҳал қилучи ой бўлган августда ҳам ғўза парвариши асло бўшаштирилмади.

Биз яқинда колхоз далаларида бўлганимизда мўл ҳосил яратаётган пахтакорларнинг завқли ижодий меҳнатини кўриб қувондик, уларнинг ғайрат, ташаббуси бизда катта таассурот қолдирди.

2. ҚАДРДОН МАШИНА

Тўлаган Тошев бригада шийпони ёнидаги тут дарахти солисда «универсал»нинг ўқларини мойлаётган эди. У, ўз машғулотига шу қадар берилиб кетиптики, теппасига борганимизлагина бизни кўрди. У ёшроқ кўринса ҳам, соқолига оқ оралаган, қотма, абжир киши эди.

— Ҳа, Тўлаган-ака, мойламаса юрмайдиган бўлиб қолдими? — тегишди ҳамроҳларимиздан бири.

— Шогирдларингиз ҳам бордир? — деб сўрадик ундан.

— Ҳа, — деди у, — йилига битта-иккитасига ҳунар ўргатаман. Улар мендан маслаҳат сўраб вақтимни кўп олсалар ҳам, вақтимга ачинмайман. Чунки мен ҳам она қорнидан ўрганиб тушган эмасман. Шогирдларим бир куни: «мен палончидан ўрганганман» деса, менга берган мукофоти шу. Кейинги вақтда укам Нишонбойга ўргатдим. Зеҳн қўйиб тез эгаллади. Ҳозир 10-нчи бригадада ўзи машина ҳайдаяпти. Шахти дуруст. Бу йил планни ортдириб бажараман, келгуси йил сиз блан мусобақалашаман, деяпти. Гоҳо шогирдларнинг ишини бориб тамоша қиламан. Кўриб кўзим қувонади...

«Тракторчи Тўлаган Тошев — новатор» дейишлари бечиз эмас. Шу ғап бу йил кенгроқ тарқалди. Кўкламда об-ҳаво бузилабериб, кўп ерда чигитни қайта экишга тўғри келди. Одамлар шошиб қолишди. Фурсатни қўлдан бой бермаслик учун Тўлаган ака кечаси ҳам экишни таклиф этди. Ба'зилар бу мумкин бўлмаган иш дейишди. Тўлаган ака кундузи квадрат-уялаб экиладиган ерда, кечаси эса торқаторлаб экиладиган ерда ишлади. Бунинг учун сеялка пақирлари ёнига аккумуляторлардан сим тортиб лампочкалар ўрнатди. Бу тажрибани у уруш вақтида ортдирган экан...

Тўлаган Тошев заводдан келган қарбир машина-асбобни биринчи бўлиб ишлатади:

— Квадрат-уялаб экучи сеялка жуда қулай экан: регулировкаси осон, яшири катта. Тез ҳам текис экиши менга ёқди. Аммо, гилдирагининг оралигини хиёл торайтирса яна ҳам соз бўлар экан-да. Мен бу фикримни мутахассисларга айтиб эдим, ма'қул кўришди, — дейди Тўлаган ака.

Суҳбатимиз тугагач, биз Тўлаган Тошевнинг қадрдон машинасига миниб, катта ғўза пайкали бўйлаб культивация бошлаб юборганини кузатдик.

3. СУВЧИЛАР

Саломат Саидова бошлиқ бригаданинг дала шийпонига борганимизда кун қизиб кетган эди. Оёқ-қўли илдам кекса самоварчи бизни сув бўйидаги соя-салқин сўрига таклиф қилди. Кўсаклари салмоқдор бўлиб етилган ғўзаларнинг барглари қуёшнинг қизғин нури жилваланади.

Эски шийпоннинг ёнбошида янги типда қурилаётган икки қабатли, кўп хонали дала шийпони диққатимизни тортди.

— Эски дала шийпони колхозчиларнинг талабларига жавоб бермай қолди, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шорахмедов, — колхоз правлениеси бригадаларда шу типда янги дала шийпонларини қуришга қарор қилган. Ахир колхозимиз энди катта ишларга қўрби етадиган бўлиб қолди-да, бултурги пул даромадимизнинг ўзи 13 миллионга етди. Даромад тақсимотида ҳарбир меҳнат кунига 13 сўм 50 тийиндан пул, 2,5 килограммдан ғалла тушди. Илгари миллионер колхозлар ҳақида сўз юритилар эди. Энди миллионер бригадаларимиз бор. Ҳозир тўртта бригадада янги шийпон қурилиб бўлди. Йиғим-терим бошлангунча шийпонларни бўёқдан чиқариб, жиҳозлаб қўямиз. Ҳарқайси дала шийпонида кутубхона, ошхона, ясли, дам олиш хонаси, медпункт бўлади. Радиоприёмник ўрнатилади.

Ҳозиргина даладан чиқиб келган звено бошлиқлари ва сувчилар чой устида бизга бригада ишларидан сўзлаб бердилар.

Саидова бошлиқ бригада а'золари 79 гектар ерга чигит экиб, ёзи блан тер тўкиб меҳнат қилдилар.

— Биз бу йил ҳар гектаридан 45 центнердан пахта бериш мажбуриятини олганмиз, — дейди 4-нчи звено бошлиғи Зикирбой Маҳкамов, — лекин август ойининг бошларида тугилган кўсаклар бу мажбуриятни қоплямас эди. Август ичи бутун ишимизни ҳосилга-ҳосил қўшишга қаратдик. Бунинг учун қўшимча культивация қилиш, ғўзани барглидан озиқлантириш керак бўлди. Айниқса суғоришга алоҳида аҳамият бердик. Бошқа звенолар ҳам шундай қилдилар. Бригаданинг Акбар Ҳаитов, Раҳмонберди Худойберганов, Ҳакимжон Ғиёсов каби уста сувчилари ғўзани суғоришда яхши намуна кўрсатмоқдалар. Натижа чакки бўлмади. Мана ҳар туп ғўзага яна 4 — 5 кўсак қўшилди.

Колхозчилар, бу йилги об-ҳаво шароити сувчилар зиммасига катта вазифа юклаганлигини гапириб, сувчилардан миннатдор бўлмоқдалар. Уста сувчилар ҳамма бригаталарда ҳам бор.

Биз 6-нчи бригаданинг 2-нчи звено сувчиси Азимжон Не'матовни шогирдлари Кунпош Файзиева, Раҳбар Умаровалар блан гаплашиб турганда учратдик. Ғап қиялама ердаги ғўзаларнинг сув талаб қилган-қилмаганлиги устида борар эди.

— Қани Раҳбар қизим, айтчи, шу ерни суғорсак бўладими, йўқми?

Раҳбар ялт этиб Кунпошга қаради, Кунпош дарҳол ерга чўққайиб, эгатдаги нами қочиб қолган тупроқни қўлига олиб уқалаб кўрди-да:

— «Албатта суғорса бўлади», — деди.

— Қаердан билдинг?

— Чунки, эгат бетидаги тупроқ қуриб қолган, у уваланиб кетаяпти.

— Тўғри, ғўзанинг сув талаб қилганлигини тупроқдан ҳам билиш мумкин. Лекин сен ўйлагандек эгат бетидаги тупроқдан эмас. Юзадаги тупроқ, айниқса бунақанги иссиқ ҳавода сал кунда оқараверади. Шунинг учун 20 — 25 сантиметр чуқирликдаги тупроқни олиб кўриш керак. Агар у қўлга сиқимлаганда мустаҳкамлаб уқаланиб кетса, демак ғўзага нам етишмайди. Ёки бўлмаса ғўзанинг барглидан ҳам билиш мумкин. Нами етарли бўлган ғўзаларнинг барги диркиллаб туради, мўрт бўлади. Уни букласанг дарҳол синади. Агар ғўза сувсираган бўлса барги сўлиб-бошлайди, букласанг синмайди.

Азимжон ака шу гапларни уқдира туриб, ғўза барглардан бирини чирт этиб узди-да, уни буклаб қизларга кўрсатди. Барг синмади.

— Қани Раҳбар, — деди яна, — мен айтгандек қилиб тупроқни ҳам бир текшириб кўрчи.

Раҳбар ҳам, Кунпош ҳам ғўзани оралаб, кетмон уриб эгатнинг остки қабатидан бир кап тупроқ олиб қисмлаб кўришган эди, тупроқ уваланиб кетди.

— Тўғри айтасиз, Азимжон ака, — деди Раҳбар кафтидаги тупроқни унга кўрсатаётириб.

— Демак, ғўза сувсаган. Суғоришни ана шу ердан бошлаймиз.

Ўқ ариқдан чим босиб эгатларга таралган сув қалин ғўзалар орасига ёпириниб кетар эди. Аммо сув эгатнинг қаерига етиб борганини уста сувчининг ўткир кўзи кўра олади. Бу ишда унга ёрдамчилари кўмакланиб турадилар.

Азимжон Маматов оқ олтин ҳосилини кўпайтиришга ўзининг салмоқли хиссасини қўшаётган ўнларча уста сувчилар, миришкор пахтакорларнинг биридир.

4. ХИРМОН КУТАРИШ ЧОҒИ ЯҚИН

Мавжли ғўза пайкалларининг у ер — бу ерида деҳқоннинг вақтини чоғ қилиб пахта жилва бериб қолди. Ҳа демай бутун далани мамиқдай оқ олтин қоплаб олади. Яшил, ҳаворанг машиналар ҳайбатли бункерларини, хотин-қиз ва йигитларнинг этакларини пахтага тўлдирабошлайдилар. Пахтазорлар бўйлаб азамат пахтакорлар ша'нига, Ватан шарафига сер авж ялдалар янграб кетади.

Хирмон кўтариш чоғи яқин.

Колхозда терим тараддуди авж олди.

Буни ҳамма ерда кўриш мумкин: бригаталарнинг марказида катта майдонни текислаб шуваётган, сушилкаларни ремонт қилаётган кишиларнинг мусобақасида, отларни боқувга қўйиб семиритираётган отбоқарларнинг қадам олишида, автокачкаларнинг гилдирак ва ғўбчакларини мах-камлаётган аравасозларнинг болга уришида, этак ва қопларни чаққон-чаққон тикаётган чевар кампирларнинг игна уришида, моҳир теримчиларнинг мавсумда ким кўп пахта теришга ҳозирданоқ бас бойлашаётганида.

Бир хил интилиш, ягона муддао сезилиб турипти.

— Ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш блан боғлаб олиб борайлик!

— Ҳаммамиз хирмон кўтаришга пухта ҳозирлик блан шайланиб киришайлик!

Сумбула кирди. Ҳосил пишиб қолди.

Қўйни-қўнжи тўлиб, деҳқон хонадонига қут-барака киритиб, сер маҳсул эби-зийнатли кузак кирди.

Ҳаким НАЗИР,
А'зам МИРБОБОЕВ.

Янгийўл райони.
Свердлов номли колхоз.



Ўртасарой районидаги Қорасув пахта тайёрлаш пунктида механизациялаштирилган сушилка қурилаётир. Бу сушилка 3 смена блан ишлатилганида бир суткада 144 тонна пахтани қуритиши мумкин бўлади. Суратда цех бошлиғи ўртоқ А. Исмоилов ёш ишчиларга сушилканинг тузилишини тушинтирмоқда. Ўнгда ўртоқ А. Исмоилов редукторга ремен тортаётир.
М. Шевелев фотоси.

Пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўрилмоқда

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан илҳомланган Ҳовос районидаги Булганин номли колхоз а'золари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб, анча ютуқларга эришдилар. Улар бу йил 350 гектар бўз ерларни ўзлаштириб, чигит эккан ва ҳар гектар ердан 7 центнердан пахта топшириш учун шартнома тузган эдилар. Лекин ғўзалар ўсиш даври давомида илғор агротехника қоидаларига қат'ий риоя қилиниб парвариш қилинганлиги учун мўл ҳосил тўпланди. Бунинг натижасида дастлабки мўлжални ўзгартиришга тўғри келди. Колхозчилар далалардаги мавжуд ҳосилни аниқ ҳисобга олиб ҳар гектар ердан 7 центнер эмас, балки 12 центнердан давлатга ҳосил топширишга қарор қилдилар. Шу кунларда пахтакорлар ҳосилни йиғиб-териб олиш тадбирларини ҳам кўраётирлар. Ҳозир 12 дала хирмони сувалди. Дала йўллари ва пахта тайёрлаш пунктига олиб борадиган катта йўл ремонт қилинмоқда, кўприклар тузатилаётир. 100 дан ортиқ қоп ва 150 этак тайёрланди. Автомашина, аравалар ҳам ремонт қилинмоқда.

А. ШИРИНБОЕВ.

* * *

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз а'золари 728 гектар ерда етиштирилган янги пахта ҳосилини териб олишга зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳозиргача 15 дала хирмони тайёрланиб қўйилди. 13 та бричка, 10 та катта тарози, 12 та қўл тарози, автомашиналар ремонтдан чиқарилди ва терим даврида керак бўладиган бошқа нарсалар ҳам ҳозирланмоқда.

Колхозчилар йиғим-теримга тайёргарлик кўриш блан бирга ғўза парваришини ҳам тўхтовсиз давом этдирмоқдалар.

Т. АБДУРАҲИМОВ.

* * *

Гулистон районидаги «Красный восток» колхозининг а'золари ғўза парваришини қизғин давом этдириш блан бирга етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш учун ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Колхозчилар КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йўл ва кўприкларни тузатдилар, тортарозилар эса батамом ремонтдан чиқарилди. Қоп-этаклар тайёрланмоқда. 10 лаб от боқувга қўйилиб, 8 арава ва 3 та автомашина ремонтдан чиқарилиб қўйилди. Хирмонлар қуриш ва пахта саройларини ремонт қилиш ишлари ҳам жадал давом этдирилмоқда. Бу йил 2 та янги цементланган марказий хирмон ҳам қурилмоқда.

Колхознинг Эркабоев, Чўлпонов ва Йўлдошев бошлиқ бригада а'золари ғўза парваришини бир ме'ёрда давом этдириш блан бирга пахта йиғим-терим кампаниясига тайёргарлик кўриш ишларини ҳам уюшқоқлик блан олиб бормоқдалар. Улар ҳозир пахта саройларини, хирмонларни тайёрлаб қўйдилар.

Шунингдек Фрунзе номли колхоз а'золари ҳам кундан-кунга меҳнат ғайратларини ошириб пахта йиғим-терим кампанияси олдидан қилинадиган барча ишларни ғўза парваришига маҳкам боғлаган ҳолда олиб бормоқдалар. Улар ҳозир 29 та тош-тарози, 20 та арава ва 5 та автомашинани ремонтдан чиқариб қўйдилар.

Т. РЎЗИБОЕВ.

Пахта тайёрлаш пунктларидаги сусткашликка барҳам берилсин

Мирзачўл пахта заводининг бирқанча тайёрлаш пунктларида азамат колхозчилар, совхоз ишчилари томонидан фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосилни қабул қилиб олиш учун тайёргарлик ишлари қизғин давом этдирилмоқда. Бу пунктларда бунт майдонлари сифатли қилиб қайта қурилди, транспорт, тарозиларни ремонт қилиш, йўлларни текислаш ва асфальт ётқизиш, колхоз, совхозларга қоқанор ҳамда этакларни тақсимлаб бериш ишлари ўз вақтида тугалланди. Бу соҳада, айниқса, «Золотая урда» тайёрлов пункти ишчилари яхши натижаларга эришдилар. Улар меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб юбориш ва шу орқали камчиликларни бартараф қилиш ҳақида ўйламайдилар.

Дўнариқ тайёрлов пункти заводдан 20 километр узоқликка жойлашган. Йўл узоқ бўлганлиги сабабли завод раҳбарлари бу ерга келишга эринадилар. Улар фақат телефонбозлик блан «раҳбарлик» қиладилар.

Бу пунктда шу кунга қадар транспорт тарозилари ремонт қилинмаган, йўллар текисланмаган. Заводдан олинган қоп-қаноррлар, этаклар тарқатилмай омборга босиб қўйилипти. Ҳаммадан ачинарлиги шундаки, пункт ҳали лаборант блан та'минланган эмас. Лабораторияда эса керакли асбоб-ускуналар етишмайди. Пункт раҳбарлари колхозлардаги тарозиларни ремонт қилдириб беришлари керак эди, афсуски, талабчанлик бўлмагани учун колхозлар ўз тарозиларини шу кунгача устахоналарга келтирмаганлар. Пункт мудири ўртоқ Э. Ҳайтметов завод раҳбарлари устидан ҳақли равишда шикоят қилади:

— Бизда, — дейди у, — ишчи кучлари етишмайди, бунинг устига ҳамма ишни қўл блан бажаришга тўғри келади. Ваҳоланки икки столба қўйиш блан Молотов номли колхоздан электр қуввати олиш мумкин. Бу блан пахталарни бунт қилиш тўла механизациялаштирилиб, ишимиз анча енгиллашган бўлар эди. Брок, завод раҳбарлари бу талабимизга совуққонлик блан қараб келмоқдалар.

Бундай камчиликларни завод ҳузуридаги тайёрлов пунктида ҳам учратиш мумкин. Бу ерда 4 та катта ҳажмдаги бунт майдони ҳалига қадар битказилгани йўқ. Тайёр деб ҳисобланган 22 майдон эса сувоқдан чиқарилган эмас. Пахталарни намгартиликдан сақлаш учун ажратилган омборлар эса тоб ташлаб турипти. Уни ремонт қилиш ҳечкимнинг эсига ҳам келмайди. Ўтган йили пункт территориясида юк машиналарининг лойга ботиб қолиш ҳодисалари кўплаб учраган эди. Афсуски пункт раҳбарлари бундан тўғри хулоса чиқариб олмаганлар, шу кунгача шагал ётқизилмаганлиги ва текисланмаганлиги буни кўрсатиб турипти.

— Бизда, — дейди пункт мудири ўртоқ Ш. Маҳмудов, — ишчи кучлари жуда кўп. Шунинг учун ҳеч ташвишланмаса ҳам бўлади, ҳаммасини қойил қилиб юборамиз...

Хўш, шу кунгача қойил қилолмаган, қатор нуқсонларнинг бўлишига йўл қўйган мудир, энди қачон қойил қиларкин? Ёки, устига тонналаб пахта ортган машина қизил карвонлари дарвозадан кириб келабошлагандами?..

Верхне-волинск тайёрлов пунктида ўтган йили газ сушилкаси қурилиши бошланган эди. Уни фойдаланишга топшириш муддатлари бир неча бор ўтиб кетди. Энди, ўртоқ Жедановскийнинг айтишича «охирги муддат» 5 сентябрьгача узайтирилди. Брок сушилка бу муддатда эмас, йил охиригача битиши ҳам хавф остида турипти.

— Ҳолимиздан хабар олучи киши йўқ, — деб нолийди пункт мудири ўртоқ Т. Мозгамов, — Сушилкани битказиш учун бизда ҳали электр асбоблари, печь трубалари, 3 та винтилятор, 2 та барабан, пахталарнинг нам-қуригини ажратучи сепаратор каби кўп асбоблар етишмайди. Сушилка томини ёпиш учун эса 1200 дона шифер, 12 кубометр ёғоч, цемент керак. Бу ҳақда ўртоқ Жедановскийга ҳам, бош инженер ўртоқ Валоховскийга ҳам кўп марта арз қилдик. Лекин улар гапимизга қулоқ солишни ҳам истамайдилар.

Область пахта тайёрлаш трести қамда Мирзачўл район ташкилотларининг раҳбарлари завод ва унинг ҳузуридаги пахта пунктларида йўл қўйилаётган камчиликларни чуқур ўрганишлари, бу камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўришлари ва шу орқали пахта қабул қилишга тайёргарлик кўриш ишларини кучайтириб юборишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БОЁВУТ» СОВХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ СУР'АТИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Юқоридаги сарлавҳа блан газетамизнинг 29 июнь сонида босилган мақолада 1-нчи, 2-нчи ва 3-нчи «Боёвут» совхозлари техника жиҳатидан етарли қуролланганлиги, ишчи кучлари блан тўла та'минланганлиги ҳолда ғўза парвариши сур'атини бўшаштириб юборилганлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрининг ўринбосари ўртоқ Мангутовнинг редакцияга хабар қилишича текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Ғўза парваришини яхши ташкил этмагани ва бўлимлар устидан контрольликни бўшаштириб юборгани учун 2-нчи «Боёвут» совхозининг бош агрономи Абраменко ўз вазифасидан олиб ташланган.

Бундан ташқари мақола совхоз партия ташкилотларида ва совхоз коллективлари ўртасида муҳокама қилиниб, ғўза парвариши давридаги камчиликларни тугатиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, трактор парклари ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган. Ҳозир совхозларда ғўзани табақалаб парвариш қилиш блан бир қаторда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Парламентлараро иттифоқнинг 44-нчи конференциясида

ХЕЛЬСИНКИ, 29 август. (ТАСС). Парламентлараро иттифоқнинг 44-нчи конференциясида бугун халқаро хавфсизликнинг аҳволи ва қуролсизланиш масаласи юзасидан дискусия давом қилди.

Мажлисда Ҳиндистон, Ироқ, АҚШ вакиллари, шунингдек Германия Федерал Республикасининг вакили Эрлер сўзга чиқдилар.

Сўнгра Совет Иттифоқи делегати А. М. Панкратовага сўз берилди. Совет делегацияси, — деди у, — коллектив хавфсизлик масаласи тўғрисидаги резолюцияни асосан мақбул деб ҳисоблайди ва шу резолюцияни ёқлаб овоз беради.

Совет Иттифоқи, — деб давом қилди Панкратова, — ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида Умумевропа пакти тузиш, қуролсизланиш тўғрисида битимлар тузиш ва шу сингари тадбирлар ёрдами блан Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришга кўпдан бери ҳаракат қилиб келмоқда. Совет кишиларининг фикрича, коллектив хавфсизлик идеяси бир-бирига душман бўлган блокларга йўл қўйилмаслигига, катта ва кичик ҳамма халқларни ўз ичига оладиган хавфсизлик системасини вужудга келтиришга асосланган идеядир.

Совет делегати правардида бундай деди: — Биз тўла ишонч ва мамнуният блан шуни қайд қилмоқдамизки, парламентлараро иттифоқ конференцияси шу ерда, меҳмондўст Хельсинкида миллион-миллион кишилар номидан гапирган Жаҳон Тинчлик Ассамблеясининг овозига ўз овозини қўшмоқда. Жаҳон Тинчлик Ассамблеяси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, барча парламентларга ва ҳукуматларга, бутун дун'ёдаги софвиждопли ва прогрессив кучларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, уларни сиёсий режимлари турлича бўлган давлатларнинг тотув яшашлари ва ҳамкорлик қилишлари учун энг реал имкониятларни белгилаб беришга ва та'минлашга чақирди. «Халқларнинг шу чақиригига жавоб бериш ҳамда тинчлик ва хавфсизлик учун курашни кучайтириш бизнинг муқаддас бурчимиздир, биз шу бурчимизни шараф блан бажарамиз».

Эрталабки мажлисда Англия вакили Белленжер ҳам сўзга чиқди. У, СССР ўз қуролли кучларини миқдори э'лон қилинган рақамда айтилганидек, ҳақиқатан камайтирадими ёки йўқми, буни кутиб туриш керак, деди. Нотиқ АҚШ да ва Англияда бўлаётган зўр бериб қуролланишни оқламоқ учун важ топишга уриниб, Совет Иттифоқи ўз идеологиясини бошқа мамлакатларга ёйишга «интилмоқда» деган да'вони қилди.

АҚШ делегати Фландерс ҳам тахминан шу рухда гапирди.

Дискуссияда Албания вакили Бахолли, Англия делегати Уайт ва бошқа делегатлар ҳам қатнашдилар.

Сўнгра тотув яшашнинг юридик ва ма'навий принциплари тўғрисида илгари муҳокама қилинган масала юзасидан киритилган резолюция овозга қўйилди. Бу резолюция таклиф этилган қўшимчалар блан бирга қабул қилинди.

Мажлис охирида парламентлараро иттифоқни мустаҳкамлаш масаласини муҳокама қилиш бошланди. Клемент Дэвис (Англия) доклад қилди. Докладчи ўз сўзининг бошида СССРнинг парламентлараро иттифоққа а'зо бўлиб кирганлигидан ўзининг мамнун эканлигини айтди. Парламент делегацияларини айирбошлашни ва парламент а'золари ўртасида шахсий алоқани кенгайтириш зарур, деди у. Шу муносабат блан Дэвис СССР Олий Советининг Декларацияни ижобий факт деб айтиб ўтди. Биз, парламент а'золари, деб давом қилди у, яхши қўшнилар эканлигимизни исбот қилишимиз мумкин. Ҳозирги давр жуда қатта тараққиёт давридир, парламентлар давридир. Биз бу йўлда яхшироқ ишламоқ учун катта имкониятларга эгамиз.

Шу масала юзасидан бўлган музокаларда Филиппин делегати Сальвадор сўзга чиқиб, делегатларни парламентлараро иттифоқ асосларини мустаҳкамлашга ва уни ҳартомонлама кенгайтиришга чақирди. У, Иттифоқнинг эндиги конференцияси Шарқи—Жанубий Осиёда ўтказилур, деб умид билдирди.

Совет делегацияси Ослога келди

ОСЛО, 29 август. (ТАСС). Ёзучи К. Симонов, профессор Ю. Орлов ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг вакили Е. Третьяковалардан иборат совет делегацияси «Норвегия — СССР» жамиятининг таклифи блан Ослога келди. Делегация Норвегияда ўн кун бўлади.

Словак қўзғолонининг 11 йиллиги шарафига Словакия миллий кенгашининг тантанали мажлиси

ПРАГА, 29 август. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: словак халқ қўзғолонининг 11 йиллиги муносабати блан кеча Банска-Бистрица шаҳрида Словакия миллий кенгашининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Чехословакия Коммунистик партиясининг Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси а'зоси, Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Карол Бацилек бошчилигидаги делегацияси, Миллат мажлисининг Миллат мажлиси раис ўринбосари Йозеф Вало ҳамда химия саноати министри Йозеф Пучик бошчилигидаги делегацияси, вакиллар корпусининг а'золари ҳамда Банска-Бистрица области ва шаҳри сиёсий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари мажлисда ҳозир бўлдилар.

Мажлисда ҳозир бўлган меҳмонлар орасида Братиславадаги СССР бош консулининг ўринбосари Н. И. Евдокиев, СССР Олий Советининг депутати ёзучи Борис Полевой ҳам бор эди.

Мажлисда вакиллар корпуси раисининг ўринбосари Елень нутқ сўзлади.

Совет қишлоқ хўжалик делегациясининг Канадада бўлишига доир

РЕЖАЙНА, 29 август. **(ТАСС махсус мухбири).** 28 августда совет қишлоқ хўжалик делегацияси Оттавадан Режайна шаҳрига (Саскачеван вилояти) келди. Аэропортда делегацияни Саскачеван вилоятининг бош министри Дуглас, вилоят қишлоқ хўжалик министри Ноллет, фермерларга ёрдам кўрсатиш ма'муриятининг директори доктор Томпсон, маҳаллий ма'мурларнинг, маҳаллий ташкилотларнинг ва канадали украинларнинг вакиллари, маҳаллий аҳолидан бўлган юзлаб кишилар кутиб олдилар. Табрик нутқлари сўзлангандан кейин бир тўда болалар совет делегацияси а'золарига гулдасталар тақдим этдилар.

Делегация аэропортдан чиқиб, шаҳардан 50 километр нариги экспериментал фермага борди. Бу ерда совет делегациясини Канада қишлоқ хўжалик министри Гардинер, вилоят губернатори Паттерсон, Саскачеван вилоятидаги бугдойкорлар уюшмасининг президенти Уэссон, вилоят ҳукуматининг а'золари ва маҳаллий парламент депутатларидан 20 га яқин киши кутиб олдилар.

Фермада илмий ходимлар, фермерлар бўлиб 400 дан кўпроқ киши, шунингдек Канадада ўрнашиб қолган украинлардан анчагина киши тўпланган эди.

Канада қишлоқ хўжалик министри Гардинер делегатларни табриклади. Шу ернинг ўзида ферманинг боғида, делегация шарафига қабул маросими ўтказилди. Зиёфат вақтида бемалол ва самимий суҳбат бошланиб кетди. СССР қишлоқ хўжалиги ходимларининг ва айрим совет республикаларининг ҳаёти тўғрисида совет делегацияси а'золарига саволлар берилди, автографлар айирбошланди. Делегация а'золари Саскачеван аҳолисидан фермаларни келиб кўришга чақириб ёзилган кўптина таклифномалар олдилар.

Вьетнам миллий бирлашган фронти Миллий комитетининг сессияси

ХАНОЙ, 29 август. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Ханойда Вьетнам Миллий бирлашган фронти Миллий комитетининг сессияси очилди.

Миллий комитет раиси Тон Дук Танг сессияни очиб, бундай деди: Бундан 10 кун кейин Вьетнам Миллий бирлашган фронтининг с'езди очилади. Шимолий ва Жанубий Вьетнамдан келган, аҳолининг турли табақаларидан, турли миллатлардан, турли диний ташкилотлар ва сиёсий партиялардан вакил бўлиб келадиган 300 дан кўпроқ делегат миллий фронтнинг сиёсий йўлини белгиламоқ ҳамда унинг янги программасини ва уставини қабул қилмоқ учун тўпланади. Янги фронт миллий-озодлик учун, четэл империалистларига ва уларнинг агентларига қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мақсадида Вьетнамдаги демократия ва тинчлик кучларининг ҳаммасини ўз ичига олади.

Фронтнинг бўладиган с'ездига тайёргарлик кўришга бағишланган сессия ўз ишини давом этдирмоқда.

Вьетнам Демократик Республикаси. Ханой университетида 1400 студент ўқийди. Университет врачлар, фармацевтлар ва педагоглар тайёрлайди. **Суратда:** Ханой университетининг лекциялар ўқиладиган биноси.

Чан Чи-Шен фотоси. (Синьхуа агентлиги).

1956 ЙИЛГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА УМУМГЕРМАН КОМАНДАСИНИ ЮБОРИШ ТЎҒРИСИДА БИТИМ

БЕРЛИН, 29 август. (ТАСС). Немис матбуотининг хабарида айтилишича, Хинтерцартенда (Фрейбургга яқин жойда) Германия Федерал Республикаси Миллий олимпия комитетининг вакиллари блан Германия Демократик Республикаси Миллий олимпия комитетининг вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб ўтган. Музокаралар натижасида 1956 йилда бўладиган ёзги ва қишки олимпия ўйинларига умумгерман командасини юбориш тўғрисида битимга келинган.



Ҳитой Халқ Республикаси. Суратда: Халқ университетининг Пекин шаҳри ғарбига жойлашган биноси. **Чи Гуань-шан** фотоси. (Синьхуа агентлиги).

☆ ☆

СОВЕТ-АФҒОНИСТОН САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

КОБИЛ, 27 август. (ТАСС). Муваффақият блан тамом бўлган музокаралар натижасида шу йил 27 августда Кобилда СССР блан Афғонистон ўртасида навбатдаги бир йиллик давр учун савдо обороти тўғрисидаги протокол имзоланди.

Протоколда СССР блан Афғонистон ўртасидаги товар оборотини янада анча кенгайтириш кўзда тутилади. Совет Иттифоқидан Афғонистонга нефть маҳсулотлари, қора металлар прокати, бинокорлик материаллари, автомобильлар, ускуналар, газламалар, қанд-шакар ва бошқа товарлар етказиб бериш, Афғонистондан эса СССРга жун, пахта, ҳом тери, қуруқ мева, мой олинадиган уруғликлар етказиб бериш кўпайтирилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қуролсизланиш комиссиясининг кичик комитети ўз ишини бошлади

НЬЮ-ЙОРК, 30 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланиш комиссиясининг тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқлари Женева кенгашининг тавсияси блан чақирилган кичик комитети кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида ўз ишини бошлади.

Кичик комитет 4 давлат ҳукуматлари бошлиқлари томонидан Женевада айтилган фикрларни ва таклифларни ҳисобга олиб, қуролсизланишнинг мақбул бўладиган системасини ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилиши керак.

Кичик комитетнинг биринчи мажлисида СССР делегациясининг бошлиғи А. Соболев раислик қилмоқда.

Франция министрлар советининг мажлиси

ПАРИЖ, 29 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлигини хабарида айтилишича, Франция Министрлар советининг Марокашдаги аҳволни муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бугун тушдан кейин тамом бўлган.

Экс-ле-Бендаги музокаралар тўғрисида кеча Министрлар советининг доклад қилган Марокаш ва Тунис ишлари министри Пьер Жюли шу музокаралар тўғрисидаги ахборотни ўқиб берган. Бу ахборотда, ҳукумат «Марокашга нисбатан қандай сиёсат юргизиш тўғрисида» Экс-ле-Бендаги музокаралардан кейин қабул қилган қарорини та'кидлади, дейилади.

Пьер Жюли, ҳукумат 12 сентябрьгача Марокаш ҳукуматини тузиш учун ҳамма чораларни кўришга қарор қилди, деб айтган.

Япония парламент делегацияси а'золарининг баёноти

ПЕКИН, 29 август. (ТАСС). Синхуа агентлиги хабар беради: Совет Иттифоқига бораётган Япония парламент делегациясининг икки раҳбари — Токутаро Китамура ва Масару Номидзо кеча Пекинда бўлган матбуот конференциясида ёзма баёнот ўқиб бердилар.

Биз Япония парламентининг топшириғи блан Совет Иттифоқига расмий сафар қилиб бормоқдамиз, — дейилади баёнотда. — Бизнинг бу сафаримизнинг Совет Иттифоқи блан Япония ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ва улар ўртасида дипломатик муносабатларнинг тикланишига олиб келишига ишонамиз.

Бизга қўшни бўлган мамлакат — Хитой Халқ Республикаси орқали ўтиб бораётганимизда бизни меҳмондўстлик блан кутиб олганликлари ва мамлакатингиз раҳбарлари блан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлишимиз учун жуда хурсандмиз ва миннатдормиз.

Ҳозирги кунда дун'ёдаги ҳамма мамлакатлар тинчлик умиди блан яшамоқдалар. Халқлар ўртасида бўлган англашилмовчиликлар аста-секин йўқолмоқда. Биз шу нарсага ишонамизки, қўшни мамлакатлар — Хитой Халқ Республикаси блан Япония ўртасида дипломатик муносабатларни тиклаш ва иккала мамлакатимиз ўртасида тезликда кенг иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш иккала халқимизнинг самимий истагигина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга, бутун дун'ёда тинчликни та'миналашга ҳам ёрдам беради.

Биз, Совет Иттифоқига бораётган Япония парламент делегациясининг а'золари бу ерда қисқача тўхталиб ўтишимизда фойдаланиб, япон халқининг хитой халқига дўстлигини изҳор қилишни ва иккала мамлакат ўртасида ҳамжиҳатликни ҳамда мустаҳкам тинчликни ўрнатишга ёрдам бермоқ учун бирор фойдали иш қилишни истаганлигимизни билдирмоқчимиз.

Правардида биз Хитой Халқ Республикасининг раиси Мао Цзэ-Дунга ва мамлакатнинг 600 миллионли халқига ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни яна бир марта изҳор қиламиз. Биз сизларнинг қўлингизни қисмоқ учун дўстлик қўлини чўзмоқдамиз.

Ҳиндистон Қизил крестининг ташаккури

СССР Қизил Крест ва Қизил Яримой жамиятлари союзининг ижроия комитети Ҳиндистон бош министри фондига мамлакатнинг шарқ районларида сув тошқинидан зарар кўрган кишиларга ёрдам кўрсатиш учун 100 минг ҳинд рупияси берганлиги матбуотда хабар қилиб ўтилган эди.

Совет Қизил Крести ижроия комитетининг раиси Г. А. Митерев томонидан Ҳиндистон Қизил Крест жамиятининг раиси ва соғлиқни сақлаш министри Ражкумари Амрит Каур хонимга юборилган ҳамдардлик телеграммасига жавобан қуйидаги мазмунда телеграмма олинди:

«Совет Қизил Крестининг раиси профессор Митеревга.Нью-Дели, 27 август.

Сув тошқини муносабати блан ҳамдардлик билдирганлигингиз ва бош министр фондига тошқиндан зарар кўрганлар учун саҳийлик блан пул берганлигингиз учун чуқур ташаккур айтамиз. Амрит Каур». (ТАСС).

Лондонда Англия-Греция-Туркия музокаралари

ЛОНДОН, 29 август. (ТАСС). Бугун Лондонда Англия ташқи ишлар министри Макмиллан раислиги остида Англия-Греция-Туркия музокаралари бошланди. Ўрта денгизнинг шарқий районига ва, жумладан, Кипр оролига таалуқли сиёсий ва ҳарбий проблемаларга бағишланган бу музокаларда Греция делегациясига Греция ташқи ишлар министри Стефанопулос, Туркия делегациясига эса ташқи ишлар министри Зорлу бошчилик қилмоқда. Музокаларда Кипр аҳолисидан вакил қатнашмаётир.

Ма'лумки, Кипрдаги грек аҳолиси Кипрдаги мустамлакачилик режимини тугатиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини олиш учун узоқ вақтдан бери курашиб келмоқда.

Лондондаги кенгаш Англиянинг ташаббуси блан чақирилган. Бу эса, Кипрдаги инглиз мустамлака ма'мурияти қийинчиликларга учраётганлигини кўрсатади.

Америка агентликларининг хабарларига қараганда, Англия музокараларнинг ёпиқ бўлишини талаб қилган. Бироқ, Туркия ташқи ишлар министри бугун баёнот бериб, музокараларни ёритмоқ учун ҳафтада икки марта матбуот конференцияси ўтказиб тураман, деб айтди.

Музокаралар бошланмасдан олдин Кипрда жуда кўп намойишлар ва митинглар бўлди. Шу намойиш ва митингларнинг қатнашчилари Кипрга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беришни талаб қилдилар.

Астрономларнинг ҳалқаро IX конгресси

ЛОНДОН, 29 август. (ТАСС). Бугун Дублинда (Ирландия) астрономларнинг ҳалқаро IX конгресси очилди. Конгрессда 41 мамлакатдан, шу жумладан СССР, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия, Индонезия, Франция, Англия, АҚШ дан вакил бўлиб келган 600 делегат қатнашмоқда.

Конгресс очилган вақтда Ирландия Республикасининг бош министри Жон Костелло делегатларни табриклади.

Ленинград эстрадаси солистлари Тошкентда

Бепоён Ватанимизнинг шимолий районлари ва янги очилган қўриқ ерларидаги меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиб, уларнинг ҳурматларига сазовар бўлган Ленинград эстрадаси солистлари республикамиз пойтахти Тошкентга меҳмон бўлиб келдилар. Эстрада томонидан Округ офицерлар уйи маданият ва истироҳат боғининг ёзлик театри биносида берилган концерт тамошабинлар томонидан зўр қизиқиш блан кутиб олинди.

Эстрада коллективининг репертуари бой ва сермазмун бўлиб, ҳаққонийлиги блан ажралиб туради. Программа номерларининг уста артистлар томонидан зўр маҳорат блан ижро этилиши концертнинг муваффақиятли чиқишини та'минлаган.

Саҳнада ёзлик кафэ манзараси. Овқатланган келган йигит официантка томонидан яхшигина кутиб олинади. Официантка заказни ёзиб олгач, тезда кўздан ғойиб бўлади. Бу кўриниш умумий овқатланиш жойларига кириб турадиган кишиларнинг официанткани кутавериб сабр косаси тўлиб тошганини кўз олдида гавдалантиради. Буни артист Кучеренко турли имо-ишора ва ҳаракатлар блан тушинтириб беради. Стол устида турган бутилка, зонтик ва бошқа буюмлар бирин-кетин уста жанглёрнинг қўлида ҳаракатга келади. Жанглёр ўз талантини кўрсатиш блан бирга, ўз вазифасига совуққонлик блан қаровчи ношуд официанткаларни фош қилади. Солистка Нина Журавлева композитор Пучининнинг «Чио-Чио-Сан» операсидан мадам Батерфлай ариясини, «Кўчалардаги қўшиқлар» кинофильмидаги серенадани зўр ҳаяжон блан айтиб берди.

Артист Александр Король драматург А. Н. Островскийнинг «Сердаромадли жойда» деган классик комедиясидан олинган кўринишни ижро этганида тамошабин қаҳ-қаҳ уриб кулади. Бунда ба'зи халтурачи, қуруқ, қўлларидан ҳеч қандай иш келмаса ҳам, ҳамма нарсага бурунларини суқадиган, классик адабий меросни ўз истакларича бузадиган композитор ва драматургларга раҳмсиз танқид қилинади. Бутуниттифоқ эстрада усталари иккинчи кўригининг дипломатлари — Лебедевалар томонидан кўрсатилган акробатик этюд ўз ижроси блан, ҳаракатларнинг силлиқ ва нозиклиги блан ажралиб туради.

Тамошабин яқиндагина турмуш қурган келин-куёв орасида арзимаган нарсадан бошланган мажорани сабрсизлик блан кузатиб боради. Воқиа ривожланабориб, уларнинг ажралишларигача бориб етади, сўнг уларнинг яна ярашишлари блан тугалланади. Бу миниатюрани артистлардан Николаевлар усталик блан ижро этадилар.

Озарбайжон, арман ва грузин лирик қўшиқларини усталик блан ижро этган ёш, талантли артист Мартик Ованесян ўзининг ёқимли, қўнғироқдек майин товуши блан тингловчиларни мафтун қилди. У, композитор Айвазяннинг «Кўк-кўз», «Бизнинг Озарбайжон», «Карвон», «Менинг Россияга атаган қўшиғим», шунингдек композитор Гаджиевнинг «Лейла» ҳамда бошқа халқ қўшиқларини усталик блан айтади.

Эстраданинг бадиий раҳбари Зиновий Горин бутун концерт давомида ўзи томонидан ижод этилган фельетон ва масалларни усталик блан ўқиб, ўзининг ўткир хажвчи эканлигини кўрсатди.

Эстрада солистлари коллективи пойтахтимиз меҳнаткашларига бирнеча концерт бергач, республикамизнинг бошқа шаҳарларига жўнаб кетади.

Д. УРМОНБЕКОВ.

Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқи делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

СССР Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқи делегацияси Ўзбекистонда беш кун меҳмон бўлди.

Ҳиндистонли меҳмонлар республикада бўлган ана шу вақт ичида Тошкентдаги хушманзара жойларни, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини ва бирқанча илмий-текшириш муассасаларини бориб кўрдилар. Меҳмонлар Калинин районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артелида колхозчиларнинг моддий-маиший аҳволи блан қизиқиб, уларнинг уйларига бордилар, болалар муассасаларини кўздан кечирдилар. Янгийўл районидаги иккинчи МТСда ва сугориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида меҳмонлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиндари етиштиришни комплекс равишда механизациялаш учун тайинланган машиналар блан танишдилар. Ўзбекистон ССР бешйиллиги номли совхозда уларга пахта етиштиришнинг илғор агрономия усуллари блан, жумладан, ғўзани икки томонлама ишлаш усули блан танишиш имконияти берилди. Меҳмонлар «СХС—1,2» маркали горизонталь-шпиндельли пахта териш машинаси ишлаб чиқаришни ўзлаштирган Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводида ва Сталин номидаги тўқимачилик комбинатида корхоналарнинг техника блан юксак даражада та'минланганлигига э'тибор бердилар, маданий-оқартув, даволаш муассасаларининг ва болалар муассасаларининг ишларини ўргандилар.

Делегация а'золари қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ва хизматчилари касаба союзининг Тошкент ёнидаги дам олиш уйини бориб кўрдилар.

29 августда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри М. В. Муҳаммаджонов меҳмонларни қабул қилди. У республика қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар қишлоқ хўжалик органларининг ишларига доир кўп саволлар бердилар.

Ўша куни кечқурун Ўзбекистон касаба союзлари совети биносида Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқи делегациясининг иштироки блан Тошкент шаҳар касаба союз активининг йиғилиши бўлди. Делегация а'золари СССРда бўлган вақтларида олган таассуротларини айтиб бердилар, ҳинд деҳқонларининг ҳаёти тўғрисида гапириб бердилар.

Делегация бошлиғи, Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқининг раиси Нана Р. Патил ўз нутқида бундай деди:

— Биз Совет Иттифоқининг гоят катта ютуқларга эришганлигини ўз кўзимиз блан кўриб ишондик. Саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги тараққиёт, СССР меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги юксак даражада эканлиги бизда чуқур таассурот қолдирди. Яхши ниятли кишиларнинг вакиллари бўлган бизлар совет кишиларининг самимий ва дўстона туйғуларини блан юртимизга қайтиб кетмоқдамиз. Совет кишиларининг бу самимий ва дўстона туйғуларини биз Совет Иттифоқининг ҳамма жойларида сезиб турдик.

Нана Р. Патил ўз нутқининг охирида совет халқига хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида муваффақиятлар тилади ҳамда яшасин бутун дун'ёда тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик! — деб хитоб қилди.

Умумҳиндистон деҳқонлар иттифоқининг делегацияси 30 августда Москвага учиб кетди. (ЎзТАГ).

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАР ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ёшлар ва студентларнинг Варшавада ўтказилган Жаҳон фестивалида қатнашган Африка ёшларининг делегацияси 30 августда Тошкентга келди. Делегация составида Кения, Судан, Олтин Қирғоқ, Дагомея, Мозамбика, Нигерия, Франция Конгоси, Маврикия ороли ёшларининг вакиллари бор.

Аэродромда четэлдан келган меҳмонларни Ўзбекистон пойтахти ёшларининг вакиллари самимий кутиб олдилар. Пионерлар Африка делегацияси а'золарига гулдасталар тақдим этдилар.

Ёшлар ва студентлар Жаҳон фестивалининг қатнашчилари Ўзбекистонда бирнеча кун турадилар. Улар саноат корхоналарини, колхозларни, ўқув юртларини ва маданий-оқартув муассасаларини бориб кўрадилар, ўзбек ёшларининг турмуши блан танишадилар.

(ЎзТАГ).

ОКРУГ ОФИЦЕРЛАРИ УЙИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Яқинда Тошкентдаги «Спартак» стадионида Тошкент округ офицерлари уйи ҳамда «Буревестник» командалари ўртасида республика биринчилиги учун навбатдаги футбол ўйини ўтказилди.

Ўйиннинг дастлабки минутларидан бошлабоқ ҳар иккала команда футболчилари ташаббусни ўз қўлларига олиш учун ҳужумни кескинлаштириб юбордилар.

Офицерлар уйи футболчилари ўз рақиблари дарвозаси олдида тез-тез пайдо бўлиб турдилар ва ўйиннинг биринчи ярмида «Буревестник» командаси дарвозасига бир тўп киритдилар. Ўйиннинг биринчи ярми 1:0 ҳисоби блан офицерлар уйи футболчилари фойдасига ҳал бўлди.

Офицерлар уйининг футболчилари ўйиннинг иккинчи ярмида ҳам актив ўйнадилар ва натижада ўз рақиблари дарвозасига кетма-кет яна 2 тўпни киритдилар. Учрашув 3:0 ҳисоби блан офицерлар уйи футбол командаси фойдасига ҳал бўлди.

А. АЛИЕВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 31/VIII да **Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг** янги программада **хайрлашув концерти.** Концерт кеч соат 9 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (Кундуз соат 12 дан кеч 8 гача). НАВОИЙ номли (кеч соат 10 гача). «ИСКРА» (эрталаб соат 9—40 минутдан кеч соат 8—40 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Князь қизи Мери.**

«РОДИНА» (кеч соат 10 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 ва 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 4 да) — **Опасингил Раҳмоновалар** (рус тилида).

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Партбилет.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Севги ёши,** 3-нчи залда кундуз соат 4—20 минутда **Нишонли атомлар.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН». НАВОИЙ номли, «ИСКРА». «УДАРНИК». КИРОВ номли — **Князь қизи Мери.**

«ХИВА» — **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 36262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 05281 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. №А — 1496.